

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

БОЛҒАЕВА ШОҲИДА АБДУСАМАТОВНА

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ
ЛАНДШАФТЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ Йўллари**

5A581001 – “Ландшафтлар архитектураси” мутахассислиги
“Ландшафтлар архитектураси” бўйича магистр даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Диссертация кўриб чиқилди
ва ҳимояга рухсат берилди.

“Архитектура назарияси ва тарихи”

кафедрасининг мудири

А.С.УРАЛОВ _____

Илмий раҳбар: арх.ф.д.,проф.

А.С.УРАЛОВ _____

САМАРҚАНД – 2011

Кириш

I-боб. Самарқанд вилояти қишлоқлари ва қишлоқлар ландшафт архитектурасининг шаклланиши

- 1.1. Самарқанд вилояти қишлоқлари ҳақидаги умумий маълумотлар
- 1.2. Қишлоқ ландшафт архитектурасининг қисқача тарихи
- 1.3. Қишлоқ ландшафт архитектураси ва унинг таркибий қисмлари
- 1.3.1. Ўсимлик дунёси ва ундан ландшафт архитектурасида фойдаланиш
- 1.3.2. Сув дунёси ва унинг ландшафт архитектурасидаги шакллари
- 1.3.3. Жой рельефи ва унинг ландшафт архитектурасидаги аҳамияти
- 1.3.4. Ташқи муҳитни ободонлаштириш элементлари

I-боб хулосаси

II-боб. Самарқанд вилояти қишлоқлари шароитида ландшафт архитектурасининг ҳозирги ҳолати

- 2.1. Самарқанд вилояти қишлоқларининг Собиқ иттифок давридаги ландшафт архитектураси
- 2.2. Самарқанд вилояти қишлоқларининг Мустақиллик йилларидаги ландшафт архитектураси
- 2.3. Қишлоқ тураржой ҳовлиларининг ландшафт архитектураси
- 2.4. Қишлоқ магистрал йўлларининг ландшафт архитектураси ва дизайни
- 2.5. Қишлоқлар ландшафт архитектурасининг типологияси

II-боб хулосаси

III-боб. Самарқанд вилояти шароитида қишлоқ ландшафтлари архитектурасини шакллантириш ва ривожлантириш йўллари бўйича таклифлар

- 3.1. Қишлоқ ландшафтлари архитектурасига қўйиладиган умумий талаблар
- 3.2. Самарқанд вилояти қишлоқларининг ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича таклифлар
- 3.2.1. Қишлоқлар ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича маъмурий-ташкилий чоралар
- 3.2.3. Ландшафт архитектурасининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича таклифлар
- 3.2.3. Ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича амалий таклифлар
- 3.2.4. Ландшафт архитектураси бўйича қишлоқ малакавий таълим тизимини ривожлантириш
- 3.2.5. Ландшафт архитектурасинининг иқтисодий масалалари

III-боб хулосаси

Якуний хулосалар: диссертация натижалари ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Қишлоқ тарққий топса, юртимиз обод,
хаётимиз янада фаровон бўлади.
Ислом Каримов

Қишлоқ камоли - эл юрт жамоли
(халқ мақоли)

Мавзунинг долзарблигини асослаш. Ҳозирги кунда қишлоқликларнинг турмуш даражасини шаҳарликлар турмуш даражаси ва маънавий ҳаётига тенглаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятимизнинг олис туманлари марказлари архитектураси ва манзаравий меъморчилик, ташқи муҳитни ободонлаштириш ишлари ҳам янада чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда.

Бироқ, тан олиш керакки, айрим туманларда (Қўшробот, Пайарик, Ургут) қишлоқлар тарқоқ ҳолда, бунинг устига тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган. Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқотда ана шундай тоғли туманлар аҳоли пунктларининг ландшафт архитектураси хусусида ҳам тўхталиб ўтилган.

Президентимизнинг 2009 йил 29 январдаги “Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида вилоят туманларида ихтиссослаштирилган қурилиш ташкилотлари ташкил этилган.

Бундай янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини республикаимизнинг бошқа туман марказлари ва қишлоқларида ҳам кузатиш мумкин. Аҳолиси беш мингдан зиёд бўлган туман марказлари эндиликда шаҳарчалар мақомини олмақдалар.

Кейинги йилларда республикаимиздаги кўплаб шаҳар ва қишлоқларимизнинг чиройига чирой қўшилмоқда, халқнинг фаровон турмуши янада юксалиб бормоқда. Афсуски, бу жараён ҳамма жойларда ҳам

бир хил эмас. Айниқса, кўпчилик қишлоқларимизда бу ишда сусткашлик сезилмоқда.

Ҳукуматимиз қишлоқда аҳолининг турмуш даражасини ошириш масаласига муҳим аҳамиятга молик сиёсий масала деб қараб, туман, вилоятларнинг раҳбарларидан, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғини бошқарувидан бу ишда бурилиш ясашни қатъиян талаб этмоқда [1]. Ана шу ҳаққоний талаб замирида қишлоқларимизни ободонлаштириш, халқимизнинг турмуш шароитини яхшилашдек шарафли вазифалар турибди. Бу, ўз навбатида, қишлоқда қурилиш сифатини яхшилаш, қишлоқ меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини юксак бадиий савияга кўтаришга боғлиқдир. Аммо шунга қарамасдан айрим туман ва хўжалик раҳбарлари қишлоқнинг моддий, маданий, эстетик асосларига ва қишлоқда турмуш тарзининг ўзгартирилишига етарлича эътибор бермаяптилар. Бу эса қишлоқ аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг, ёш мутахассисларнинг шаҳарга интилиш сабабларидан бири бўлмоқда [3].

Шу сабабдан ҳам қишлоқларни ижтимоий-маданий ва моддий ривожлантириш, уларнинг архитектура ва шаҳарсозлик, ландшафт савиясини ошириш ғоят муҳим умумдавлат ва умумхалқ вазифасига, ватанимизнинг ҳозирги даврдаги аграр сиёсатининг таркибий қисмига айланди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов қишлоқда замонавий турмуш тарзини қарор топтиришни энг муҳим ижтимоий вазифаларидан бири сифатида кун тартибига қўйди [4]. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини кенгайтиришга, шу йўл билан ёшларнинг ҳамда малакали кадрларнинг қишлоқларда муқим ўрнашиб қолиши учун зарур шароитларни яратишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Меҳнаткашларнинг маданий турмуш шароитининг юксалишида аҳоли тураржойларининг лойиҳаларини оқилона ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, яшашга қулай ва шинам биноларнинг маданий-маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари ва манзаравий меъморчилик, яъни ландшафт

архитектураси билан комплекс тарзда қурилиши ҳам бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир [23].

Мавзунинг ўрганилиш ҳолати. Қишлоқ аҳолисининг бугунги ва эртанги куни талабларига жавоб бера олиши учун уйлар қандай бўлиши керак? Замонавий қишлоқнинг тураржой бинолари ва уларнинг ҳовли боғлари қандай омиллар асосида ташкил топмоғи, шаклланмоғи лозим? Уларнинг умумий қиёфаси қай тарзда ечилиши керак?

Бугунги кунда бу саволларга аниқ (кўпроқ назарий) жавоблар топилган бўлсада, лекин уларга осонликча эришилган эмас. Бу ишга республикамиз илмий-текшириш ва лойиҳалаш институтлари, олимлар, тегишли мутахассис кадрлар, меъморлар, қурувчилар, қишлоқ хўжалик ходимлари жалб қилинди. Тураржой бинолари соҳасидаги анъанавий халқ меъморчилиги ўрганилди, қатор типовой индивидуал ва тажриба лойиҳалари ишлаб чиқилди. Тажриба-текшириш ва кўргазмали қишлоқлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилган уйлар мисолида ишлаб чиқилган лойиҳалар кенг жамоатчилик мулоҳазасидан ўтказилди.

Бу соҳада олинган амалий ва назарий билимлар, тажрибалар асосида олимлар ва мутахассисларимиз томонидан қатор тавсияномалар, кўлланмалар, меъёрлар ва қоидалар ишлаб чиқилди. Ҳаётий тузатишлар киритилиб янги лойиҳалар тайёрланди. Қишлоқда тураржой муаммоси, архитектураси ва планировкасига бағишланган бир нечта илмий ишлар юзага келди. Иттифокда ва республикада танилган етук мутахассис олимлар А.А.Маҳкамов, Ф.М.Ашра-фий, К.М.Мирзааҳмедова, Р.С.Белий, В.И.Немировский, Ҳ.А.Салоҳутдинов, Ҳ.И.Қаюмов, К.Н.Файзиев, А.С.Уралов, А.А.Фармоновларнинг қатор лойиҳа ва илмий ишлари катта аҳамиятга эга бўлсада, бироқ бу айниқса, архитектура доктори А.А. Маҳкамовнинг “Сельский жилые дома юга страны” монографияси бу соҳада муҳим илмий бурилиш ясади.

Олимнинг ушбу ишида ҳозирги даврнинг энг долзарб масалалари, шу жумладан, Ўрта Осиё республикалари, хусусан Ўзбекистон қишлоқларида

тураржой бинолари архитектурасининг типологик томонлари, уларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича йиғилган илғор тажрибалар, шунингдек, халқ меъморчилигидаги анъаналар, тураржой биноларининг иқлим шароити ҳар хил бўлган туманлар бўйича янги зонал типларини яратиш, уларнинг меъморий ва функционал ечимларини, ҳажм-план параметрларини такомиллаштиришга бағишланган қатор амалий таклифлар берилди [23].

Тураржой бинолари типларининг бундай табиий-иқлим зоналари (регионлар) бўйича табақаланиши республикамизнинг кейинги йиллар лойиҳалаш тажрибасида ва қишлоқ қурилишида кенг қўлланила бошланди. Уйларни бундай лойиҳалаш ва қуриш услублари қишлоқ жойлардаги халқнинг илғор услубларини ривожлантиришни, халқ меъморчилигидаги илғор анъаналарни ва кенг қурилиш тажрибасини ёйишга сезиларли даражада ёрдам берди.

Бироқ, тан олиш керакки, юқорида тўхтаб ўтилган адабиётлар ва илмий ишларда қишлоқ аҳоли пунктларининг ландшафт архитектурасига хос меъморий – композициявий ва ташкилий хусусиятлар қараб чиқилмаган, улар алоҳида диссертация шаклида таҳлил қилинмаган ва мазкур соҳага доир илмий – амалий таклифлар ишлаб чиқилмаган.

Диссертациянинг мақсади. Самарқанд вилояти шароитида қишлоқлар ландшафт архитектурасининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, бу соҳадаги қўлга киритилган ютуқлар ва тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида қишлоқларда замонавий ландшафт архитектурасини шакллантириш ва ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш ва таклифлар беришдир.

Ишнинг вазифалари. Унинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилардан иборат деб белгиланди:

- Самарқанд вилояти қишлоқлари ва қишлоқлар ландшафт архитектурасининг шаклланиш асосларини ўрганиш;
- Қишлоқ ландшафт архитектураси ва унинг таркибий қисмларини таҳлил қилиш;

- Самарқанд вилояти қишлоқлари шароитида ландшафт архитектурасининг ҳозирги ҳолатини аниқлаш;

- Қишлоқ магистрал автомобил йўллариининг ландшафт архитектураси ва дизайнини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- Самарқанд вилояти шароитида қишлоқ ландшафтлари архитектурасини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети – Самарқанд вилояти қишлоқлари, туман марказлари ва улардаги ландшафт архитектураси объектлари ва уларнинг таркибий элементлари.

Тадқиқот услуби. Самарқанд вилояти шароитида қишлоқлар ландшафт архитектурасини ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, бу соҳадаги кўлга киритилган ютуқлар ва тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш. Мавзуга доир махсус адабиётлар, давлатимиз Қонун ва Фармойишларини, меъёрий – норматив адабиётларни ўрганиш ва умумлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертацияда илк бор қишлоқ ландшафт архитектураси масалалари Самарқанд вилояти туман марказлари ва қишлоқлари мисолида кўриб чиқилган ва қишлоқларда замонавий ландшафтлар архитектурасининг шаклланиш ва ривожланиш йўллари аниқланган. Мазкур иш асосида илк бор қишлоқ автомобил йўллариининг ландшафт архитектураси, қишлоқлардаги очик муҳитлар архитектурасини ҳамда ҳовлили уйлар ландшафтини ташкиллаштириш бўйича комплекс таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий ва назарий аҳамияти. Бугунги кунда қишлоқ қурилиши ва ландшафт архитектурасининг сифатига қўйиладиган талаблар ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, иқтисодий ва социал-демографик, меъморий-бадий ва табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлган ҳамда экология, санитария-гигиена ва ёнғинга қарши кураш

талаблари. Ана шу талаблар мажмуи қишлоқ уйлари­нинг шаклланишидаги ўзига хос замонавий омиллар сифатида рўёбга чиқмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнги йилларда ҳуку­матимизнинг ғамхўрлиги туфайли қишлоқ аҳоли­сининг меҳнат шароити, турмуш тарзи ва ма­даний савияси кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу туфайли уларнинг турар­жойларига ва уман яшаш муҳитига бўлган ба­дий эстетик талаблари замонавийлашиб, кўп қиррали бўлиб бормоқда.

Бундай шароитда аҳоли қишлоқ қурилиши комплекслари ва қишлоқдаги ма­даний ўзгаришлар уч тармоқда, яъни социал, иқтисодий, меъморчилик ва ландшафт архитек­тураси соҳаларидаги янги йирик ижтимоий кўриниш бўлиб юзага чиқмоқда.

Мазкур тадқиқот натижалари нафақат амалий, балки назарий аҳамиятга ҳам эгадир. Улар Олий таълим муассасаларида таълим олаётган қишлоқ архитекторларини тайёрлашда ва таълим жараёнидаги ландшафт архитек­турасига доир фанларни ўқитишда, бу мавзудаги ўқув қўлланма ва дарсликларни тайёрлашда ҳам асқотади деб ўйлайман.

Тадқиқотнинг синов(апробация)дан ўтиш ва амалиётга жорий этилиш ҳолатлари. Илмий тадқиқот натижалари Самарқанд давлат архитектура – қурилиш институтида 2010-2011 йилларда бўлиб ўтган ёш олимлар, иқтидорли талабалар, магистрлар, аспирант ва тадқиқотчилар илмий конференциялари ва архитектура факультетининг илмий-услугий семинарларида илмий доклад (маъруза) тарзида ҳамда СамДАҚИнинг “Меъморчилик ва қурилиш муаммолари” илмий техник журна­лида чоп этилган илмий мақолалар тарзида эълон қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Диссертациянинг таркиби кириш, 3 та боб, якуний хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми ____ бет бўлиб, ундан ____ бетни матн ташкил қилади. Қолган қисми илова, жадвал, мундарижа ва адабиётлардан иборат. Низомга кўра диссертация иши А4 (21х29) формат қоғозда компьютерда 1.5 интервалда, 14 шрифтда ёзилди.

I-БОБ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚЛАРИ ВА ҚИШЛОҚЛАР ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

1.1. Самарқанд вилояти қишлоқлари ҳақидаги умумий маълумотлар

Қишлоқ - аҳолиси, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида банд бўлган аҳоли манзилгоҳидир. Қишлоқлар умумий бир марказга – қишлоқ фукаролик йиғинларига эга бўлган, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан бир бирига узвий боғланган кичик аҳоли манзилгоҳларига бўлинган. Улар Ўзбекистонда маҳаллаларга ажралган.

Саноатнинг ривожланиши ва урбанизация муносабати билан дунёда қишлоқ аҳолиси салмоғи камаймоқда. Ўзбекистон қишлоқларидаги аҳоли салмоғи эса ортмоқда. Бунинг асосий сабаби қишлоқларда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнининг шаҳарлардагига нисбатан бир қадар жадал кечишидир. 1970-90 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг 60% қишлоқларда яшаган [26].

Мустақиллик йилларида аҳоли турмуш тарзида ижобий кўринишдаги иқтисодий – ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди. Бу ўз навбатида Ўзбекистон қишлоқ оилаларида кўп болалиликдан ўртача болалиликка ўтиш жараёни рўй бераётганини кўрсатади.

Республикада қишлоқ аҳолисининг ўсишига аҳоли табиий кўпайиши кўрсаткичлари (асосан, туғилиш)нинг кўпайиши ҳам сабаб бўлмоқда. Масалан, 1991 йилда мамлакат аҳолисининг 59,5% ни қишлоқ, 40,5% ни шаҳар аҳолиси ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич мос равишда 63,5 % ва 36,5 % дан иборат бўлди, яъни қишлоқ аҳолиси салмоқи 4,4% га ошган [23].

Қишлоқ хўжалиги – моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидан бири. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари олиш учун

экинлар экиш ва чорва молларини кўпайтириш билан шуғулланади, аҳолини озиқ – овқат маҳсулотлари ва халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларини хом ашё билан таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларини дастлабки қайта ишлашнинг турли тармоқларини ҳам ўз ичига олади. Моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа жами соҳаларидан фарқ қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги жуда катта майдонларга ва хилма хил шароитларда олиб борилади. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари – деҳқончилик ва чорвачиликдир (1-расм.). Улар ҳам ўз навбатида бир қадар кичикроқ тармоқларга бўлинади (деҳқончиликда – далачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик,



1-расм. Тоғ ландшафти ва қишлоққа боровчи йўл акс эттирилган қишлоқ ландшафтининг умумий кўриниш. Ургут тумани

ўрмон хўжалиги ва бошқалар, чорвачиликда – қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик, чўчқачилик, паррандачилик, асаларичилик, пиллачилик ва бошқалар). Ўз навбатида, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари экиладиган экинлар (ғаллачилик, шоликорлик, пахтачилик) ва чорва моллари турлари (қорамол, қўй, от, туя) бўйича гурухланади.


Қишлоқ хўжалиги ерлари – хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариш воситаси сифатида режали ва узлуксиз фойдаланиладиган ер участкалари ва

массивлари, экинзорлар (хайдалма ерлар), кўп йиллик экинзорлар (боғлар, резавор мева майдонлари), пичанзорлар, яйловлар ҳамда кўрик – бўз ерлар, томорқа ерлари, ихота ўрмон минтақалари, кўп йиллик экинзорлар, пичанзорлар, яйловлар киради. Кўп йиллик экинзорлар – экилган дарахтзорлар, бутазорлар ва ўтсимон ўсимликлар (боғлар, узумзорлар, резавор мевали майдонлар) билан банд бўлган ер участкалари киради.

Халқимиз орасида «Ўтмиши буюк халқнинг келажаги буюқдир» деган нақл бор. Зеро миллат ўз тарихини яхши билмай туриб эртанги кунини тасаввур қилиши қийин. Айниқса, ҳозирги мустақиллик йилларида тарихимизга янгича қарашлар ва фикрлашлар билан ёндошилмоқда. Ўзига хос бой маданий меросимизнинг ўрганилиши ва ўзлаштирилиши сайин унинг янги-янги қирраларини очишимиз талаб этилмоқда.

Аждодларимиздан бизгача етиб келган меъморий обидаларимиз ўрта асрларда Ўрта Осиё халқларининг маданий савияси ниҳоятда юқори даражада эканлигини кўрсатиб турибди. Буни биз ўрта асрлар меъморий ансамбллари, мадрасалар, мақбаралар, савдо иншоотлари ва шу сингари моддий маданиятимиз ёдгорликлари мисолида кўришимиз мумкин. Шу жумладан уй-жой меъморчилиги соҳасида ҳам бизгача салмоқли мерос етиб

келган (2-расм).



*2-расм. Самарқанд
вилоятидаги
“Беш бола” фермер
хўжалигига қарашли
қишлоқ ландшафти*

Лекин истиқлолгача бўлган сўнгги ўн йилликларда меъморчилик соҳасида ўтмиш меъморий анъаналарига бир қадар эътиборсизлик билан қаралди. Натижада юзлаб йиллар мобайнида шаклланиб келган меъморий анъаналардан воз кечилиб, бизга умуман бегона, иқлим шароитимизга мос келмайдиган усуллар қўлланилди. Айниқса, бу шаҳар аҳолисининг маълум қисми яшайдиган ўрта ва кўп қаватли секцияли уйлар қурилишида кузатилмоқда. Ёз ойларида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши аҳолининг иқлим комфортига бўлган эҳтиёжини, табиат бағрига чиқиш истаги муаммоларини кўндаланг қўймоқда [11].

Бугунги кунда Самарқанд вилояти 9 та (Самарқанд, Райарик, Пастдарғом, Иштихон, Қўшработ, Жомбой, Булунғур, Пахтачи, Ургут) туман марказларидан, қишлоқ фуқаролик йиғини марказларидан ва кўплаб кичик қишлоқлардан таркиб топган. Улар орасида кичик аҳоли пунктлари (аҳолиси 100 дан 1000 гача) 460 та, ўрта аҳоли пунктлари (аҳолиси 1000 дан 3000 гача) 317 та, катта аҳоли пунктлари (3000 дан 5000 гача) 73 та, йирик аҳоли пунктлари (аҳолиси 5000 дан ортиқ) 32 та ташкил қилади (1-жадвал).


1-жадвал

Самарқанд вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг тоифаланиши

Аҳоли пунктларининг тоифаси	Аҳоли сони	Аҳоли пунктларининг сони	Жамига нисбатан фоизда
Кичик аҳоли пунктлари	100 дан 1000 кишигача	460	52,7
Ўртача аҳоли пунктлари	1000 дан 3000 кишигача	317	36,3
Катта аҳоли пунктлари	3000 дан 5000 кишигача	73	8,4
Йирик аҳоли пунктлари	5000 дан ортиқ	32	3,7
Жами:		872	100

Самарқанд вилоятида бош режа билан таъминланган қишлоқ аҳоли пунктларининг сони 366 та бўлиб, улардан бош режаси эскирганларининг сони -274 тани (74,8 %), бош режасининг яроқдилари сони 92 тани, бу эса 25,2 % ини ташкил қилади.

Самарқанд вилояти қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режа билан таъминланганлиги



Шундай қилиб, вилоятда бугунги кунда бош режа билан таъминланмаган қишлоқлар сони 506 та бўлиб, улар мавжуд қишлоқларнинг 58 % ини ташкил қилади. Бу ҳолат ушбу қишлоқларда ландшафт архитектурасига доир ҳеч қандай меъёрий талабларга риоя ва амал қилинмай келинмаётганлигини, ландшафт архитектураси объектларига эса ушбу қишлоқларга бориладиган йўллар, қишлоқлардаги ҳовли участкаларининг боғлари ва қишлоқ марказлари майдонларнинг очик муҳитларигина киритилиб, уларнинг меъёрий-ландшафт ечимлари ҳолати паст даражада эканлигини кўрсатади.

1.2. Қишлоқ ландшафт архитектурасининг қисқача тарихи

Шаҳар ҳудудида экин майдонлари, боғлари яратишга имкон бўлмаган ҳолда, шаҳар аҳолисининг шаҳар атрофида ёзги ҳовлилари бўлган. Аҳоли ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалигини биргаликда олиб бориб, ўзининг мева,

сабзавот, полиз экинлари, баъзида эса дон маҳсулотларига бўлган талабини таъминлаган. Марказий Осиёнинг будай шаҳарларига Тошкент, Самарқанд, Ўратепа, Панжикент, Ашт мисол бўла олади [44].

Шаҳарликларнинг шаҳар ташқарисидagi ерлари тарихий маълумотлар ва маҳаллий аҳоли вакиллари гапига кўра Самарқандда-Қўрғонча, Қаршида-Боғот, Шаҳрисабзда-Барибоғ, Тошкентда - мавзе деб аталади [10]. Бухорода бу нарса жуда кам кузатилади. Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари Тошкент (шаҳар билан шаҳар атрофи қўшилиб кетган) ва Бухоро (қисман) оралиғида ўзига хос ўтиш ҳалқаларини ташкил этади [24].

Самарқандликлар ҳаётининг хусусиятли томони шундаки, шаҳар атрофи боғлардан иборат бўлиб, аҳолининг катта қисми ёзда ана шу боғларга кўчиб ўтган. Мана шу нарса Самарқанд шаҳар ва шаҳар атрофи уй жойлари характерини аниқловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Кўп сонли самарқандлик кекса кишилар маълумотиға қараганда 20-асрнинг 20-йилларига қадар 70-80% шаҳар аҳолисининг шаҳар ташқарисида ҳовлилари, боғлари бўлган. Боғларға оммавий кўчиб ўтиш фақат шаҳарликларға эмас, балки ер майдонлари кам, ҳовлилари кичик бўлган шаҳар атрофи қишлоқлари аҳолисига ҳам хос эди [15].

Аҳоли бу боғларға баҳор фасли бошларида кўчиб ўтиб, кеч кузда ҳосилни йиғиштириб, унга ишлов берганидан сўнг қайтиб келишган.

Бадавлат, ўрта ҳол кишилар боғ майдонларида яшаш ва ҳўжалик хоналари ҳамда чорва молларига мўлжалланган хоналар сингари қатор иморатларға эға бўлган мустаҳкам уйлар қуришган. Бу уйлар безатилган кириш жойи ва бурчаклари гулдастали, баланд қалин деворлар билан ўралган қалъа қўринишиға эға бўлган. Бундай мустаҳкам дала ҳовлилар қўрғон ёки қўрғонча деб аталган. Самарқанд қўрғонлари ўзига хос меъморчилиги, бой бадий безатилганлиги билан бошқа қўрғонлардан ажралиб турган [22].

Қўрғон режаси учун одатда 40х30 газ (4/3 нисбатда) ўлчамли ер танлаб олинган. Баъзан, жуда кам ҳолларда қўрғон узун томони 60 газ узунликда олинган. Бундан катта қўрғонлар учрамайди [8, 104 с].

Иморатлар композицияси яшаш, истироҳат ва меҳнат зоналарини ташкил этиш, микроклимат яратиш сингари азалий анъаналарни ўрганиб чиқиш учун биз бир нечта намуна бўла оладиган қўрғончаларни таҳлил қилиб чиқдик:

1. Карим Будур қўрғони (Ражаб Амин қишлоғи 1860-1870 йилларда қурилган. Т.С.Страмцова ўлчов чизмаси) [22].

Қўрғоннинг асосий тарзи кўча томонга қаратилган бўлиб, табиат томонларига тўғри ориентирланган. Режаси қулай ечилган, тўғри тўртбурчакли майдон (23,5x30 м) баландлиги беш қатор пахса девор билан ўралган. Қўрғон кириш жойи ва бурчакларида гулдасталар қўлланилган. Қурилиш материаларидан ёғоч ҳамда лой ишлатилган. Деворлари пахсадан, том ёпмаси тўсинли, томи текис, поли ва деворлари сомонсувоқ қилинган. Дарвозадан қирилганда ташқари ҳовлида иккита хона мавжуд бўлиб, улардан биринчиси меҳмонхона ва бошқаси ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хона. Улар олдида иккита сува жойлашган. Қисқа коридор орқали ички ҳовлига ўтилади. Шимол томонда яшаш хоналари ҳамда айвон, ғарб томонда хўжалик хонаси жойлашган. Унинг ёнида чорва моллари учун саисхона қурилган. Айвон ёнида боққа чиқиладиган эшик бор.

Қўрғон ташқи деворида нақшли иловалар маромига етказиб бажарилган. Бу ерда Самарқанд қўрғонлари учун характерли бўлган безаш турлари аниқ кўринади.

2. Нуриддинов Наби қўрғони (Панжикент кўчасида Л.С. Залеская ўлчов чизмаси) [16].

Тўғри тўртбурчак шаклига эга бўлган қўрғон томонларининг узунлиги 52x42 м, кириш томони тарзи безакларига жуда бой. Тўрт бурчагида соядор қайрағочлар экилган ҳовуз ёнидан ўтилиб, пастак дарча орқали ичкарига қирилади. Ҳовли марказидаги қайрағоч томонга ғиштли йўлак йўналтирилган. Йўлакка перпендикуляр ҳолатда кириш томони ҳовли ичкарисига қаратилган яшаш хонаси жойлашган. Икки ён томонда хўжалик хоналари қурилган. Яшаш хонаси ёнида қайрағоч соясида дам олиш учун

мўлжалланган супа мавжуд. Ҳовлида экин экиш учун майдон ажратилиб, периметр бўйлаб мевали олма, нок, ўрик, беҳи, тут дарахтлари қолган майдонга беда ва ўтлар экилган. Боғнинг ҳар-ҳар жойида сўрилардан узум новдалари осилиб турибди.

3. Маҳаммединов кўрғони (Ургенч кўчаси. Л.С. Залесская ўлчов чизмаси) [13].

Ўлчами жиҳатидан кичикроқ (27x27 м) бўлган квадрат шаклидаги бу кўрғон беш қатор пахса девор билан ўралган. Ҳовли ўртасидаги узум сўриси тагида супа ва ҳовузча мавжуд. Яшаш хоналари ҳовли ичкарасига кўрғон деворига такаб қурилган. Хона олдида айвон, киришга яқин жойда эса чорва моллари учун мўлжалланган хона жойлашган. Ҳовлида кичик экин майдони ва мевали дарахтлар бўлиб, ҳовли жуда яхши кўкаламлаштирилган.

4. Ганиев Раҳмат кўрғони (Самарқанд тумани Кочурак қишлоғи, Д.А.Нозилов ўлчов чизмаси) [18].

Беш қатор пахсали девор билан ўралган, 17,5x20,5 м ўлчамдаги бу кўрғон баландликда қад кўтарган. Кириш дарвозаси шарқ томонга қаратилган. Ҳовли ўнг бурчаги тўрида дахлиз ва хона жойлашган. Чап томонга, яъни жанубий ғарбий бурчақда хўжалик хонаси. Яшаш хонаси ва хўжалик хонаси орасида иккита катта айвон режалаштирилган. Ҳовлида яшаш хонаси олдида супа, жануб томонда яшириниш учун қилинган ўра жойлашган. Кириш томонда катта ҳовуз бўлиб унинг ёнида шийпон бўлган. Шимолий шарқий томонда ўрик, ток, ёнғоқ ва шу каби мева дарахтли катта боғ ҳамда бедазор бўлган.

Кўрғон эгасининг ҳунармандчиликнинг қайси тури билан шуғулланишга қараб кўрғонларда жувозхона, шиннихона, узум қуритиш учун соягихона, тегирмон учун хоналар қурилган. Деворларига ўйма нақш солинмаган кўрғон кўрғон ҳисобланмаган. Кўрғонларда асосан кириш томонида безак ишлари бажарилган. Баъзида эса кириш, ҳовуз (агар ҳовуз киришдан бошқа томонда жойлашган бўлса) вва боққа қаратилган томонларининг деворлари безатилган.

Юқоридаги кўрғонларнинг режавий композицион ва меъморий жихатдан таҳлил қилиб қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Кўрғонлар канал, ариқ бўйларида ва ерга ишлов бериш, боғ яратишга қулай жойларда ориентацияга қаттиқ амал қилинган ҳолда қурилган. Қурилиш майдончаси сифатида табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб баландроқ, ер ости сувлари чуқур бўлган бархаво ерлар танланган. Ариқлар, ҳовузлар, шийпонлар ва соя ташкил этувчи воситалар асосий элемент сифатида киритилган;

2. Кўрғонлар таркибида яшаш хоналаридан ташқари хунармандчилик учун мўлжалланган хоналар, хўжалик хоналари, чорва ва паррандалар учун махсус жойлар режалаштирилган. Демак, кўрғонларда ҳордиқ чиқариш ва махсулот ишлаб чиқариш жойлари бўлган;

3. Қорғон ҳовлисида ва атрофида мевали, манзарали дарахтлар маълум қонун қоидалар асосида экилган. Ҳудуднинг кўкаламзорлаштирилишига алоҳида эътибор берилган.

Ўтмиш дала ҳовлилари-кўрғончалар меъморчилигини назарий ва амалий жихатдан ўрганиш ота-боболаримиз яратган бой маданий меросдан, улар яратган қонун-қоидалардан фойдаланишимизга имкон беради. Бу қонун

- қоидалар асосида замонавий қишлоқлар ҳовлиларининг меъморий, режавий композицион ечимларини давримиз шароитига мослаб, аҳолининг функционал, бадиий эстетик, иқлимий комфорт ва шу каби талабларига жавоб берадиган лойиҳалар яратиб:

- инсонларнинг кўпроқ табиат бағрида бўлишлигини таъминлаш;
- ёш авлоднинг соғлом ўсишида, бўш вақтини мароқли ва фойдали ўтказиш ишларини тубдан яхшилаш;

- бозор иқтисодиёти даврида яҳолининг иқтисодий масалаларини маълум миқдорда таъминлаш, қўшимча қишлоқ хўжалиги махсулоти яратиш;

- қишлоқ турар жойлари ерларидан унумли фойдаланиш ва уларда мўъжаз боғлар яратиш муаммоларини ҳал этиш мумкин. Энг асосийси

қишлоқ аҳоли жойларида очик муҳитлар архитектурасини тўғри ташкиллаштиришда табиат билан уйғунлашув имкониятлари яратилади.

1.2. Қишлоқ ландшафт архитектураси ва унинг таркибий қисмлари

Қишлоқ ландшафт архитектурасининг таркибий қисмларига қуйидагилар киради: 1) яшил дунё, 2) сув дунёси, 3) ер, яъни жой рельефи, 4) хайвонот дунёси, 5) меъморчилик объектлари (бино ва иншоотлар) ва 6) мўъжаз меъморий шакллар ва ташқи ободонлаштириш элементлари.

Ушбу таркибий қисмлар ичида энг муҳим марказий ўринни яшил дунё ташкил қилади.

Яшил дунё деганимизда дарахт ва буталар, гуллар ва майсазорлар, турли хил ўт ўсимликлари ва лианлар, яъни чирмашиб ва тирмашиб ўсувчи тик кўкаламзорлаштиришда қўлланиладиган ўсимликлар ва ерёпар ўсимликларни назарда тутамиз. Бундан ташқари ландшафт архитеткурасининг яшил дунёсига сув юзида қалқиб ўсувчи, гулловчи гўзал эстетик ўсимликлар ҳам киради.

Сув дунёсига сув билан боғлиқ бўлган барча шакллар кириб, улардан ландшафт архитектурасида табиий ва сунъий кўринишларда фойдаланилади. Табиий кўринишлардаги турларига табиий кўллар, прудлар, дарёлар, йирик сув ҳавзалари, шаршаралар кирса, сунъий турларига фавворалар, шалолалар, шаршаралар, сунъий кўллар аквопарклар, бассейнлар, ҳовузлар ва бошқа сув шакллари ва иншоотлари киради. Мақсад сувдан кишига эстетик завқ бағишловчи, муҳитни чиройли, шинам ва табиийликка яқин қилиш, унинг микроиклимини ошириш ва инсонни дам олишига яхши ва дилкаш муҳит, шароит яратишдир.

Ер, яъни жой рельефига жойнинг барча табиий кўринишлари: қирлик, қиялик, дўнглик, чуқурлик, қоя, текислик, қирралик каби ер шакллари кириб, улардан меъморий ландшафт муҳитини яратишда фаол ва самарали

фойдаланиш, ушбу табиий шаклларга меъморий ороиш бериш ва сунъий поғонасимон шакллар, тиргак деворлар, пандуслар, зинапоялар, қияликлар ва сунъий тўшамалар ёрдамида жой рельефини, яъни унинг геопластикасини яратиш бўйича ишлаш, уни гўзал ва фойдали қилиб, бир сўз билан айтганда, жой рельефига ва инсон эҳтиёжларига мослаштириш орқали эстетик ва экологик қонуниятлар асосида яратиш тушунилади.

Хайвонот дунёсига парк ёки боғда, истироҳат жойларида, ички ҳовлилар ва мўъжаз боғларда қўлга ўргатилган гўзал ҳайвонлар: қушлар, оҳулар, балиқлар ва бошқа хил ҳайвонлардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Муъжаз меъморий шакллар ва ташқи ободонлаштириш элементларига эса светильниклар, чироқлар, кресло ва ўриндиқлар, кўприклар, фавворалар, ҳовузлар, бордюрлар, киосклар, дўконлар, йўлаклар, табиий ва сунъий тўшамалар, тўсиқлар, ҳайкаллар, тасвирий ойна шакллари ва шу каби элементлар киради.

1.3.1. Ўсимлик дунёси ва улардан ландшафт архитектурасида фойдаланиш

Ландшафт архитектурасида қўлланилаётган ўсимлик дунёси турли-туман ва кўп қирралидир. Фақат Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари ландшафт архитектурасида фойдаланиш учун мўлжалланган декоратив ўсимликлар сонининг ўзи мингдан зиёд. Бунга манзаравий дарахтлар, буталар, ярим буталар, чирмовиқлар, ўтли ва ер ёпар ўсимликлар ва уларнинг турли-туман хиллари киради.

Дарахтлар шартли тарзда мевали ва манзарали дарахтларга бўлинади. Ландшафт архитектурасида асосан манзарали дарахтлар қўлланилади. Манзарали дарахтлар ҳам ўз навбатида икки йирик гуруҳга бўлинади:

а) қишин-ёзин, яъни доим яшил бўлиб ўсувчи дарахтлар гуруҳи; б) барги тушувчи дарахтлар.

Доим яшил дарахтларнинг ҳам икки хил турлари мавжуд: уларга игна баргли дарахтлар ва япроқли дарахтлар киради. Ўзбекистонда кенг қўлланиладиган доим яшил дарахтларга виргин можжевельниги, Шарк биотаси, туя, Паллас қарағайи, кора қарағай, эльдар қарағайи, арчалар кирса, барги тушувчи манзаравий дарахтларга дуб, чинор, ясень, клен ва унинг турли хиллари, япон сафораси, катальпа, липа, тол, ильм, бундук, мажнунтоллар, каштан, акация, Канада багрянниги, бояришник ва берёзалар киради (3-расм).



3-расм. Ургут туманидаги ўрмон хўжалигида ўсаётган манзаравий дарахтлар

Буталар ҳам 2 та йирик гуруҳга бўлинади: доим яшил ва барги тушувчи буталар. Доим яшил буталарга япон бересклетлари (майда ва япроқ барглилари), буксус, магониялар кирса, барги тушувчи буталарга атиргуллар, сиренлар, япон айваси, аморфа, бузина, дейция, жасмин, жимолость, калина, миндал, форзиция ва бошқаларни киритиш мумкин [12].

Тирмашиб ва чирмашиб ўсувчилар гуруҳи ҳам турли-тумандир. Уларга биринчи навбатда Амур токи, Берландье токи, Япон токи, девичий виноград пятилисточковый, Хитой глициняси, Япон жамолости, каприфол жимолости, ломонослар, плюш, текома ва пуэрафиялар киради.

Диссертацияда тураржой ҳовлисида экиш ва кўкаламзорлаштиришга тавсия этилган мевали ва манзарали дарахт ва буталарнинг навлари ҳам берилган.

Мевали дарахтлар. Олма навлари: Ренет, Смеренко, Жонатан, Ок розмарин, Делишес, вайнсеп, “Спур” типи.

Нок навлари: Ласточка, Любимица, Клаппа, Бере рояль, Лесная красавица, Оливье де Серр, Қишки нашвати.

Беҳи навлари: Йирик кува беҳиси, Нок беҳи, Изобильная, Совхозная.

Ўрик навлари: Кўрсодик, Арзами, Заря Востока, Мирсанжали, Субҳони Исфарак, Хурмой.

Шафтоли навлари: Ватан, Лола, Оқ шафтоли, Старт, Фарход, Эльберта.

Олхўри навлари: Курортная, Пионер, Бертон, Исполинская.

Гилос навлари: Пушти наполеон, Воловье сердце, Қора гилос, Дрогана желтая.

Олча навлари: Подбелская, Қора шпонка, Самарқанд олчаси.

Анор навлари: Қизил анор, Қозоғи анор, Оқ дона (туя тиши), Аччик дона.

Анжир навлари: Ўзбекистон сариқ анжири, Смирин қора анжири, Чапла, Кадота.

Хурмо навлари: Тамонан, Зенжи-Мару, Ўзбекистон пионери, Хиакуме.

Ёнғоқ навлари: Гвардейский, Идеал, Пионер, Ўзбекистон эртаги ёнғоғи.

Бодом навлари: Косонсой, Бўстонлиқ, Угом, Чидамли.

Жийда навлари: Майда мевали нордон нав, Та Ян-Цзао.

Манзарали дарахтлар. Виргин арчаси: устунсимон ва пирамида шаклидаги турлари, Гужанок арча: паст бўйли турлари. Учкур баргли заранг: шохлаб кетган ва шар шаклидаги турлари, Мирзатерак-пирамида шаклидаги терак, Япон сафораси, Қайрағоч.

Манзарали буталар: атиргул навлари. Япон беҳиси, Вейгела: оқ, пушти, қизил гули навлари. Дўлана, Дейция изяшная: оқ пушти, қизил гулли

навлари. Шилви: гулловчи учқат, Бодзерак, Шамшод венгер сирени: бинафша ва оқ гулли навлари, Лигуструм.


Чирмашиб ўсувчи буталар ва чирмовик ўсимликлар. Амур ёввойи токи, Япон токи, Девичий виноград пятилисточковқй. Клематис витальба. Япон шильқиси. Камрифоль, печак, Ломоносов жакмана, Ломонос Восточний (илонўт), текома [30].

1.3.2.Сув дунёси ва уларнинг ландшафт архитектурасидаги шакллари

Ҳеч бир нарсa сув овозидек (фаввора каби) боғингизга жаннатнамо тус бера олмайди. Сув дунёсига сув билан боғлиқ барча шакллар кириб, улардан ландшафт архитектурасида табиий ва сунъий кўринишларда фойдаланилади. Сув дунёсининг табиий кўринишлардаги турларига табиий кўллар, прудлар, дарёлар, йирик сув ҳавзалари, шаршаралар кирса, сунъий турларига фавворалар, шалолалар, шаршаралар, сунъий кўллар, аквапарклар, бассейнлар, ҳовузлар ва бошқа сув шакллари ва иншоотлари киради. Мақсад сувдан кишига эстетик завқ бағишлоқчи, муҳитни чиройли, шинам ва табиийликка яқин қилиш, унинг микроиклимни ошириш ва инсоннинг дам олишига яхши ва дилкаш муҳит, шароит яратишдир [29].

1.3.3.Жой рельефи ва унинг ландшафт архитектурасидаги аҳамияти

Ер, жой рельефига жойнинг барча табиий кўринишлари: қирлик, қиялик, дўнглик, чуқурлик, қоя, текислик, қирралик каби шакллари кириб, уларни меъморий ландшафт муҳитини яратишда фаол ва самарали қўллаш, ушбу табиий шаклларга тиргак деворлар, пандуслар, зинапоялар, қияликлар ва сунъий тўшамалар ёрдамида шакллар бериш, бир сўз билан айтганда рельеф геопластикасини яратиш, уни гўзал ва фойдали қилиб ишлаш ландшафт архитектурасида катта аҳамиятга эгадир (5-расм).



5-расм. Ландшафт архитектурасида геопластиканинг роли

Ландшафт архитектурасининг жой рельефи билан боғлиқ бўлган энг перспектив йўналишларидан бири, бу геопластика, яъни вертикал лойихалаш бўлиб, мазкур соҳа архитектуравий-бадий вазифаларни бажаради. Замонавий техника ёрдамида амалда хохланган рельефни ҳосил қилиш мумкин. Рельеф яшаш ҳовлилари, болалар рекреация майдонларини чанг, шовқин, шамолдан ҳимоя қилади, микроиклим ҳомил қилади. Геопластикага ўзининг структуравий лойихасига кўра қоялар ва эгзотик композиция элементлари ҳам киради [6].

Зина ва пандуслар шу ўринда жуда муҳим аҳамиятга эга. Боғ ва паркларда қулай ҳаракатланиш учун зинапоя ва пандуслар қилинади. Пандуслар одатда 8% қиялик остида бўлади. Зиялар эса қиялиги 10% дан кўп бўлган жойларга (1 метрдан ошса) лойихаланади.

Парк зиналари асосан бир рельефдан иккинчисига ўтишда қўлланилиб, боғларга, меъморий муҳитга хос кўриниш беради. Лойихалашда зиналарнинг боғ ёки парк муҳити ёки рельефига нисбатан ўлчам ва пропорцияларини тўғри олиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Зиналар кўринишида бир қоида мавжуд. Иккита зина узунлиги кўшилганда зина эни одам қадамига тўғри келиши керак. Боғ зиналари жуда узун ишланмаслиги керак. Уларни бетонли плита, ғишт, тахта, тоғ тошларидан қилиш мумкин.

1.3.4. Ташқи муҳитни ободонлаштириш элементлари

Муҳит ҳосил қилувчи омиллар қаторида ташқи ободонлаштириш элементлари алоҳида ўринга эга. Маълумки, муҳитнинг шаклланиши биринчи навбатда уни ташкил қилувчи унсурларнинг ҳажмий ва функционал кўлами қай тарзда ечилишига боғлиқдир. Кишининг барча фаолият турлари, жумладан саноат ишлаб чиқариш комплексидаги функциялар ҳам уларни амалга оширишдаги муайян “технологик” жараёнлар билан чамбарчас боғланган.

Ташқи муҳитни ободонлаштириш деганда биз одатда мўъжаз маънода, яъни бошқа иншоотларга нисбатан ҳажман ва функциявий имкониятлари кичик бўлган турли хил декоротив ва утилитар функцияларга мўлжалланган, ҳажми жиҳатидан унча катта бўлмаган кичик меъморий объектларни тушунамиз. Бундай объектлар қаторига, одатда, ташқи муҳитни ободонлаштириш элементлари ва иншоотлари, шунингдек декоротив иншоотлар ва шакллар ҳам киради. Уларга ҳайкаллар, декоратив ҳовузлар, деворлар, фаввора ва шалолалар, турли хил кўшк-киоскалар, павильонлар, транспорт бекатлари, боғ-парк ёки муассасалар учун дарвозалар, тўсиқлар, болаларнинг ўйин майдонлари, савдо расталари, дўконлар, кичик кўрғазма заллар, музқаймоқ ва шарбат қаҳвахоналари, овчилар уйи, дала шийпонлари каби кичик меъморий объектлар мисол бўда олади. Биров, бундай мўъжаз объектларга қўйиладиган меъморий композициявий ва функциявий талаблар ҳеч қачон бошқа иншоотлардан кам бўлмаслиги керак. Янги ҳар қандай меъморий объект, хоҳ у кичик бўлсин, хоҳ катта, унинг

ғоявий ечими архитекторнинг ижодий махсули бўлишлиги ва композиция қонуниятлари асосида топилиши шарт.

Ташқи муҳитни ободонлаштириш шакллари ўзларининг функцияси, жойдашиши ва қурилмавий тузилишига қараб турли-туман бўлади. Улар муайян бир функцияга мўлжалланмаган, бироқ, бадий ва тарбиявий-эстетик, яъни декоратив аҳамиятга эга бўлиши, ички муҳитсиз ёки ички муҳитли, функцияси содда ёки мураккаб бўлиши мумкин.

I-боб хулосаси

1. Бугунги кунда Самарқанд вилояти 9 та (Самарқанд, Райарик, Пастдарғом, Иштихон, Қўшработ, Жомбой, Булунғур, Пахтачи, Ургут) туман марказларидан, қишлоқ фуқаролик йиғини марказларидан ва кўплаб кичик қишлоқлардан таркиб топган. Улар орасида кичик аҳоли пунктлари (аҳолиси 100 дан 1000 гача) 460 та, ўрта аҳоли пунктлари (аҳолиси 1000 дан 3000 гача) 317 та, катта аҳоли пунктлари (3000 дан 5000 гача) 73 та, йирик аҳоли пунктлари (аҳолиси 5000 дан ортиқ) 32 та ташкил қилади.

2. Самарқанд вилоятида бош режа билан таъминланган қишлоқ аҳоли пунктларининг сони 366 та бўлиб, улардан бош режаси эскирганларининг сони -274 тани (74,8 %), бош режасининг яроқлилари сони 92 тани, бу эса 25,2 % ини ташкил қилади.

Шундай қилиб, вилоятда бугунги кунда бош режа билан таъминланмаган қишлоқлар сони 506 та бўлиб, улар мавжуд қишлоқларнинг 58 % ини ташкил қилади. Бу ҳолат ушбу қишлоқларда ландшафт архитектурасига доир ҳеч қандай меъёрий талабларга риоя ва амал қилинмай келинмаётганлигини, ландшафт архитектураси объектларига эса ушбу қишлоқларга бориладиган йўллар, қишлоқлардаги ҳовли участкаларининг боғлари ва қишлоқ марказлари майдонларнинг очик муҳитларигина киритилиб, уларнинг меъёрий-ландшафт ечимлари ҳолати паст даражада эканлигини кўрсатади.

3. Самарқанд вилоятининг тарихий қишлоқлари асосан воҳа, текисликлари, тоғ олди қирлари ва тоғлик туманларда жойлашган бўлиб, уларнинг ландшафт архитектураси ҳам азалдан ана шу табиий иқлим шароитларга мос ҳолда шаклланиб келган. Қишлоқлар қуриш учун жой танланганда офтобгўй, баҳаво ерлар, худуди атроф муҳитдан нисбатан баланд, ер ости сувлари чуқур бўлган, қурилишга қулай, экологик тоза жойлар танланган. Кўкаламзорлаштириш ва боғ-роғлар учун ариқлар, ҳовузлар, иштихон ва соя ташкил этувчи воситалар, чайлалар, тиргак деворлар, зинапоялар, дарахт ва буталар, токзорлар, полиз ва беда экинлари асосий ландшафт элементлари ҳисобланган.

Моддий жиҳатдан таъминланган қишлоқ оилалари сувга сероб жойлардан дала ҳовлилари – кўрғонча боғлар ташкил этиб, улардан нафақат хўжалик боғлари, балки ёзги дам олиш ва хордиқ чиқариш боғлари тарзида ҳам фойдаланган.

Қишлоқликлар чорбоғ, кўрғон, боғхона, иштихон каби ёзги иморатлардан ташқари вақтинчалик кўча қурилмалар – каппа, хиргоҳ, чодирдан ҳам фойдаланган.

4. Қишлоқ ландшафт архитектурасининг таркибий қисмларига яшил дунё (дарахт ва буталар, гуллар, майсалар, токлар), сув дунёси (ҳовузлар, шаршара, булоқлар, ариқлар), ер, яъни жой рельефи (қир, адирлар, текисликлар), ҳайвонот дунёси (хонаки ва ёввойи), меъморчилик объектлари (бино ва иморатлар, иншоотлар), мўъжаз меъморий шакллар ва ташқи ободонлаштириш элементлари кирган. Мевали дарахтларга олма, нок, шафтоли, олча, гилос навлари, анор ва ёнғоқ, бодом ва жийдалар кирган бўлса, манзарали дарахтларга қайрағоч, терак, тол навлари, чинорлар кирган.

II-БОБ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚЛАРИ
ШАРОИТИДА ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ
ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1.Самарқанд вилояти қишлоқларининг Собиқ иттифок
давридаги ландшафт архитектураси


1984 йили республикамизда илк бор аҳоли маблағи ҳисобига якка тартибда уй-жой қуришнинг яна бир қулай шакли вужудга келди. Унинг моҳияти шундаки, қурилиш шахсий уй-жойга эга бўлиш истагини билдирган ҳамқишлоқларнинг буюртмаси асосида маҳаллий пудратчи ташкилотлар томонидан амалга оширилди.

XX асрнинг 90-йилларнинг республикамизнинг хўжаликларора уй-жой қурилишини кооператив усулда ва якка тартибда ривожлантира бориб, қишлоқларда 1 миллион 168 минг кв.м. уй-жойларни барпо этдишни уддаладилар. Ўша йилларда Сирдарё областида 153 та майда хуторлар тугатилди. Республика қишлоқларида аҳоли ўз кучи билан йилига қарийб 1,5 млн.кв.м. уй-жой барпо этишни уддалаган. Ташаббускор халқимизнинг якка тартибда уй-жой қуриш тажрибаси шуни кўрсатадики, қулай ва соз қилиб қуриладиган уй-жойлар билан бир қаторда,ҳажми, тарҳи ҳамда кўриниши ноқулай бўлган, ортиқча қурилиш материаллари, ишчи кучи, керагидан зиёд жой талаб қилувчи кўплаб уйлар ҳам қурилди.

Аксарият ҳолларда уй қуришдек ташвишли, лекин қувончли жараён жойларда кўнгилдагидек ҳал этилмаётир.

Уй-жой муаммосини ҳал қилиш қишлоқларни социалистик қайта қуриш соҳасида олиб бориладиган бугунги кундаги ижтимоий давлат дастурининг негизидир. Лекин кўпинча уй-жой қуриш бўйича мавжуд тартиб-қоидалар бузилмоқда. Аҳолининг якка тартибда уй жой қуришдаги сарф-харажатлари, заҳматлари баъзан тўғри йўналтирмаётир, кичик

қишлоқларда қурилатган уйлар хўжаликларга ҳам, оилаларга ҳам иқтисодий, социал ва маънавий жаҳатдан наф келтирмаётир. Бунинг сабабларидан бири қишлоқларни қайта қуриш, қишлоқ жойларда уй-жой муаммосини ҳал қилиш борасидаги ҳукуматимизнинг олдинга сураётган вазифаларини замонавий меъморчилигимиз муаммолари билан чамбарчас боғлаб, тушунтириб берувчи оммабоп амалий қўлламаларнинг озлиги ҳамдир (6-расм).



6-расм. Қишлоқ шароити учун ишлаб чиқилган уй ва унинг атроф муҳитидаги ландшафти

Ана шу фикрларни жамлаб, муаллиф ўз олдида ушбу диссертацияни ёзишни мақсад қилиб қўйди. Унинг йўналишини ва асосий мазмунини аниқлашда ҳукуматимизнинг кейинги йиллардаги қишлоқларни қайта қуришга, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш маданиятини ошириш ва шароитини яхшилашга қаратилган директив ҳужжатлари ва талаблари асос қилиб олинди.

Ландшафт маданияти - бу нафақат қишлоқда яшашнинг қулайлиги, балки тураржой ва жамоат биноларининг очиқ муҳитлар меъморчилигининг жозибадорлиги, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, унинг талаб ва эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Қишлоқда ландшафт маданияти-бу ҳовли участкасининг обод ва кўркем бўлиши, хўжалик юмушларини тўғри ва маданий ташкил қилиш ҳам демакдир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда

қишлоқларда нафақат шинам уйлар ва иморатлар қуриш, балки ҳовли боғини, қишлоқ очик муҳитлар архитектурасини ва унинг дизайнини мақсадга мувофиқ, эстетик дид, ландшафт талаблари асосида ташкил этиш зарурати кучаймоқда (7-8-расмлар).



7-расм.

Самарқанд вилоятига кираверишдаги рамзий белги дарвоза



8-расм.

Каттақўрғон шаҳрига кираверишдаги рамзий белги -

Сўнги йилларда, айниқса, Мустақиллик йилларидаги ҳукуматимиз ҳужжатларида, шунингдек, матбуотда ҳам шаҳар ва қишлоқлар, посёлкалар ландшафт муҳитининг талабга жавоб бера олмаётганлиги, ободонлаштириш, айниқса, ландшафт архитектураси ва кўкаламзорлаштириш ишларининг эстетик ва эмоционал томонлари паст эканлиги ҳақли равишда танқид қилиб ўтилмоқда. Шу билан бирга уларда инсон фаолияти учун ҳар томонлама мукамал ва сермазмун муҳит ва уни бойитишга қаратилган чоратадбирларнинг ишлаб чиқилиши лозимлиги кўрсатиб берилмоқда.

2.2. Самарқанд вилояти қишлоқларининг Мустақиллик йилларидаги ландшафт архитектураси

Жўшотадан икки чақиримча нарида жойлашган Оқмачит қишлоғи боғ-роғлари, қир-адирлари ва сойлари билан машҳур. Аҳоли асосан чорвачилик, ғаллачилик ҳамда боғдорчилик билан шуғулланади.

Кейинги уч-тўрт йилда қишлоқда кенг кўламли ободончилик ишлари бажарилди. Ҳашар йзли билан маҳалла биноси тикланди. Қишлоқ врачлик пункти аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида хизмат кўрсатаётир. Савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ишлаб турибди. Аҳоли артезиан кудуқларидан ичимлик сув ҳамда томорқасини суғоришда фойдаланишади [27].

Йил моҳиятига кўра, амалга оширилган ободончилик ишлари қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартирди. Йўл ёқаларидаги майда дўкончалар олиб ташланди. Бу ишлар айни кунларда ҳам давом этмокда.

Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида шаҳардаги каби бутун ички кенгликни ягона меъморий муштаракликка бирлаштириб турувчи боғ-ҳиёбонлар бунёд этилиши катта аҳамиятга молик. Бу ҳиёбонлар маҳалла, мактаб, мактабгача болалар муассасаси ва жамоат-савдо марказларини бири-бири билан улайди, пиёдаларни ундан нари маъмурий-жамоат марказига олиб чиқадиган йўл вазифасини ўтайди. Кундузлари ерга тангадай қуёш тушмайдиган турфа дарахтлар кечки пайт хордиқ чиқариш учун яхши шароит туғдиради.

Кўкаламзорлар ичида сон-саноксиз чиройли ҳовузлар, ариқлар, фавворалар туман марказлари ва қишлоқлар ҳуснига ҳусн кўшиб туради. Аслида дов-дарахтлару чаманзорларни суғоришга мўлжалланиб қурилган серсув ариқлар ўзича бадийий маъно ҳам касб этиб, яхлит меъморий бутунлик билан уйғунлашиб кетган. Уйларига яқин бу жойларда дам олиб ўтирган қариялар, сайрбоғга келиб юрган ёш-яланглар, чопқиллаб ўйнаётган болакайлар салқин ҳиёбонларнинг муздек ҳавосидан баҳра олиб, жисмоний

халоват топсалар, ойнадай ярқираган кўллардан, сонсиз зовурлару шовуллаган фавворалардан, юксак дид ва ажиб нафосат билан ишланган хайкаллардан рухий ҳам маънавий озик оладилар.

Жўшотадан икки чақиримча нарида жойлашган Оқмачит қишлоғи боғ-роғлари, қир-адирлари ва сойлари билан машҳур. Аҳоли асосан чорвачилик, ғаллачилик ҳамда боғдорчилик билан шуғулланади.


Кейинги уч-тўрт йилда қишлоқда кенг кўламли ободончилик ишлари бажарилди. Ҳашар йзли билан маҳалла биноси тикланди. Қишлоқ врачлик пункти аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида хизмат кўрсатаётир. Савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ишлаб турибди. Аҳоли артезиан кудукларидан ичимлик сув ҳамда томорқасини суғоришда фойдаланишади [27].

Йил моҳиятига кўра, амалга оширилган ободончилик ишлари қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартирди. Йўл ёқаларидаги майда дўкончалар олиб ташланди. Бу ишлар айни кунларда ҳам давом этмоқда.

Самарқанд вилояти қишлоқлари шароитига мос (микро) иқлим яратиш учун ўт-ўланлар аҳамияти нечоғли катта экани маълум. Қишлоқлар кўркини очиш борасидаги бундай иқлим яратиш чоғида асосан майсазорлар барпо этишга эътибор берилади. Маҳаллий шароитларда бу ҳазилакам гап эмас. Мустақиллик йилларида бошланган бу иш ижобий натижаларга олиб келди. Атрофни жозибадорроқ қилиш мақсадида кўпроқ савдо-жамоат марказларида, мактаб ва болалар муассасалари теварак-атрофида гулзорлар яратилмоқда.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Самарқанд вилояти қишлоқларида ҳам болаларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик билан қаралмоқда. Махсус майдончаларда улкан ўйинчоқлар оламининг юзага келтирилиши қишлоқларнинг митти аҳолиси учун айни кўнгилдагидек иш бўлмоқда.

Вилоят қишлоқлари муҳитининг ўзига хослигини шакллантиришда ободончилик, кўкаламзорлаштириш, жойдаги табиий манзаравий муҳит катта рол ўйнайди (9-расм).



9-расм. Самарқанд вилоятидаги Хумор қишлоғининг бош режаси. Тураржой ҳудуди ва унинг ландшафти кварталлар усулида ишланган

Бу борада кўкаламзорлаштиришнинг аҳамияти, айниқса, каттадир. Дов-дарахтларнинг шу хизматини назарда тутиб, уларнинг яшилликда энг умри узоқларидан танлаб экилмоқда. Баҳор нафаси сезилиши ҳамон қишлоқни яшиллик чулғайди. Кўклам киргач эса оппоқ ва пушти ранг ўрик, шафтоли, олма гуллари кўзни қувонтиради. Ҳатто қишда ҳам шумтол, чинор сингари турфа дарахтларнинг уруғлар шодаси илингач яйдоқ шохларини кўрганда ўзгача завққа туясан киши! Хуллас, бу ерда йилнинг тўрт фасли ҳам ўзига яраша жозоба, ўзига яраша чирой касб этиб туради. Дарахтзорлар майдони янада ўсиб бормоқда. Йилдан-йилга дарахт ва буталар, гул ва ўланлар навининг янги-янги хиллари пайдо бўлаётир. Бу барча ранг-баранглик қишлоқларнинг нафосат ва меъморий муҳитини шакллантирибгина қолмай, аҳоли ҳаёти учун хос иқлим ҳам яратади.

Кишилар ўз тарихини ўзи яратадилар, бироқ бу тархни улар ўзлари хоҳлаганларича яратавермайдилар. Бунинг учун зарур моддий-ижтимоий, маданий-маърифий асос, имконият яратилиши талаб этилади. Ана шундай имкониятлар яратилган ёки топилгандагина ўшаларга мос тарзда кишиларда ижтимоий ва бадиий, ҳаётий эҳтиёжлар вужудга келади. Демак, қишлоқларда ландшафт архитектурасини ривожлантириш учун энг аввало қишлоқларнинг ландшафт маданияти ва моддий имкониятларини яхшилаш, кўтариш

зарурдир. Ўшандагина уларда ландшафт архитектурасига эҳтиёж, ҳаётий зарурат туғилади.

2.3. Қишлоқ тураржой ҳовлиларининг ландшафт архитектураси

Халқимизда “Ўз уйим - ўлан тўшагим” деган гап бор. Бу билан кишиларимиз азалдан ўз бошпанаси – уйига эга бўлишга ва уни яшаш учун қулай этиб қуришга эътибор қаратиб келган. Аммо бу масалада йиллар орасидаги тафовут анча катта.

Узоққа бормайлик, ўтган асрнинг етмишинчи йилларда уйларимизнинг асосий қисми ё чўпкари, ё пахса лойдан бўлар, шиферли уйлар бармоқ билан санарли эди. Кўриниши эса янаям хунук: мунғайган, пастқам. Пол, потолок, тераска деганлари бу уйлар учун ёт эди. Томи албатта сомонли лой билан суваларди. Ёмғир ёки қор ёққанда уйлар тоmidан муттасил чакка томарди. Хоналарни захдан сақлаш мақсадида гиламлар тагидан бўйро ёки хас-хашак тўшаларди.

Уй қишда ғўзапоя, ўтин, таппи-тезак билан иситилар ва хоналар тутунга тўларди. Ювиниш хонаси, ошхона, дарсхона ҳақида гап бўлиши мумкин ҳам эмасди. Ҳовлининг атрофи лойли девор ёки тиканли буталар билан ўраларди.

Тўғри қишлоқларимизда ҳозир ҳам пасха-ю хом ғиштдан тикланган, пала-партиш, бирор меъморий ечимга эга бўлмай қурилган уйлар кўп.

Аммо, Мустақиллик йилларида ишлаб чиқилган қишлоқ бош режалари ва намунавий лойиҳалар асосида архитекторлар республикамиз минтақаларининг географик, геологик ва иқлимий хусусиятларини чуқур ўрганган ҳолда ишланмалар яратдилар. Бу лойиҳалар пухта экспертизадан ўтказилди ва ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароити, рельефи, қишлоқлар ривожланишининг ижтимоий-демографик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда уй-жойлар қуришга киришилди. Натижада Самарқанд вилоятининг Пастдарғом, Пахтачи ва Жомбой туманларида 60 та намунавий лойиҳалар

асосида янги уй-жойлар барпо этилди-ки, ҳар томонлама қулай шароитга эга бу хонадонларда уларнинг соҳиблари яшай бошлашди. Бу йил эса бундай кўркам уйлар сони 740 тага етади [32].

Қувонарлиси, эндиликда одамлар уй-жой қураман деб елиб-югурмайди. Аввало, меъморлар ҳулоасини олади ва банкка зарур ҳужжатларни тақдим этади. Натижада “Қишлоқ қурилиш банки”унга 15 йил муддатга 7 фоизлик имтиёзли кредит ажратади. Банк қошида ташкил этилган “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инженеринг компанияси филиали эса уй-жойни қуриб, тайёр ҳолда топширади [28].

Ўтган “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да бошлаган дастлабки қурилишлар қишлоқларимизнинг замонавий қиёфа касб этишида янги босқич вазифасини ўтади. Энди одамлар “Бошпана бўлса бас, бир том-у бир дахлизча бўлаверади”, қабилида эмас, меъморий лойиҳа асосида дид билан кўркам уйлар қуришмоқда. Бундай хайрли ишни Пастдарғом туманининг Равот қишлоғида кўришимиз мумкин (10-расм) [31].



10-расм.

*Равот қишлоғидаги фермер
хўжали-гининг апелсин иссиқхонаси*

Бу уй лойиҳаси саратовлик архитекторлар билан ҳамкорликда яратилди. Уйда бир оила яшаши учун ҳамма шароит бор. Ошхона, дарсхона, меҳмонхона, ҳаммом, ётоқхона кабилар кенг ва ёруғ. Иморатлар замонавий қурилиш ашёларидан мустаҳкам қурилмоқда. Муҳими томнинг чердак қисмидан ҳам яшаш ва дам олиш учун фойдаланиш мумкин.

Дарҳақиқат, бу уй иқлим шароити, қуёш чиқиши-ю ботиши, жазираи иссиқ ва аёзли кунлар, ҳатто зилзилага бардошлилиги ҳам ҳисобга олинган ҳолда қурилган. Демак, шу каби келгусида пишиқ ва бошқа мустаҳкам, сифатли қурилиш ашёларидан уйлар кўплаб бунёд бўлади. Бу эса иморатнинг эгасига узоқ вақт хизмат қилишини таъминлайди.

Хуллас, эртага қишлоқларимизда мана шундай кўркам уй-жойлар қурилиши кенгайди. Бунинг учун бизда имконият ҳам, эҳтиёж ҳам, қурувчи-мутахассис-у қурилиш ашёлари ҳам етарли. Насиб этса, қишлоқларимиз кўриниши аста-секин бош режа асосида ўзгаради ва шаҳардан қолишмайдиган масканга айланади.

2.4 Қишлоқ магистрал йўлларининг ландшафт архитектураси ва дизайни

Атроф муҳитни замонавий шакллантириш ва мувофиқлаштириш тамойилларини бугунги кунда автомобил транспорти ва йўлсиз тасаввур қилиш қийин.

Авотранспорт ҳаракати, маълумки, атроф муҳит экологиясига салбий таъсир қилувчи бир қатор омиллар билан тафсифланади. Уларга транспорт шовқини, атмосферанинг автомобил гази билан зарарланиши ва энг муҳими, йўл тизими учун катта майдонлар талаб қилинадик, уларни ўз навбатида аҳоли турар жойлари, қишлоқ хўжалик ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари доирасидан чиқариш талаб этилади. Бироқ, бунга қарши қўйилиши мумкин бўлган алтернатива ҳозирча йўқ ва шунинг учун ҳам лойиҳачиларимиз автомобил транспорти йўл тизимининг салбий оқибатларини жиддий эътиборга олишлари ва уларни камайтиришга ҳаракат қилишлари зарур.

Халқимиз, “Йўлга эътибор-элга эътибор” деб бежизга айтишмаган. Чунки аҳолининг шаҳарлар ва қишлоқлараро жойлашуви, шаҳарлараро ва давлатлараро транспорт алоқаларининг ўсиши биринчи навбатда автомобил йўллари тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни тақозо

этадики, бу айникса, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масалага айланиб бормоқда (11-расм).



11-расм. Магистрал йўллар ландшафти

Табиийки, автойўллар турли хил табиий ландшафтли жойлардан ва аҳоли масканларидан ўтади, ўз навбатида бу автомагистралларда кўплаб маҳаллий йўллар келиб қўшилади, бундай магистралларда бошқа йўлларга нисбатан транспорт ҳаракати ва қатнови катта бўлади. Шаҳарлараро автомагистраллардан бугунги шароитда автотуристлар ва халқаро туристик маршрутлар ҳам фойдаланилмоқда. Хуллас, бугунги кунда нафақат шаҳар ичи йўллари ва кўчаларига, балки шаҳарлараро автомагистраллар ва йўлларга ҳам катта эътибор қаратилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ана шундай ҳаётинг эҳтиёжларнинг бири автотранспорт йўлларининг бугунги кундаги архитектуравий-эстетик ва ландшафт муҳитини яхшилашга қаратилган ҳаракатдир. Бу ҳаракат бугунги кунда давлатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш дастурига киритилган бўлиб, унинг долзарблигини куйидаги масалаларда кўриш мумкин. Биринчидан, йўл бу йирик ва кенг кўламли муҳандислик иншооти ҳисобланиб, у, албатта, табиий ландшафт узра ўтказилади. Ер, тош, кум, тошлоқ ва асфалтдан иборат кенг ва давомли тасма кўринишидаги бу иншоот жой рельефининг турли

ҳолатларини кесиб ўтиб, атроф муҳитда кўзга ташланувчан сунъий тўшама ва томоша йўлини ташкил қилади. Иккинчидан, йўл ўзига хос ахборот манбаи ҳам ҳисобланадики, халқимиз “юрган дарё, ўтирган бўйро” деб бежиз айтишмаган. Йўлда инсонлар узлуксиз ҳаракатда бўлиб, ижтимоий ҳаётдаги янгиликлар, аҳоли яшаш жойларидаги халқнинг маданияти, жумладан ббунёдкорлик маданияти ва турмуш тарзи ҳақида ахборотларга эга бўладилар. Ва, ниҳоят, йўл технологик иншоотки, у “инсон-автомобиль-йўл” ҳаракатланиш тизимининг таркибий бир қисмидир. Ана шу тизимнинг самарали ишлаши ва демакки, инсон ва жамиятнинг самарали ҳаёти ҳам ушбу тизимнинг нафақат техник, балки эстетик меъморий-ландшафт ечимига, уларнинг муштарақликда ҳал қилинишида кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Қадимги даврларда ҳам йўллар қурилиши нафақат муҳандислик, техник, балки меъморий-ландшафт объектларининг шаклланишига боғлиқ бўлган. Масалан, кўприклар, работлар, сардобалар, қудуқлар, яхтангилар, карвонсаройлар, қаровулхоналар, хонақоҳлар, боғлар қадимда ҳам Буюк Ипак йўли бўйлаб кўплаб қурилган ва улар ушбу йўлни ўзига хос зебузийнати, муҳим функционал таркибий қисмлари ҳисобланган. Қурилган йўллар, кўприклар таъмирланиб, работ ва карвонсаройлар, боғлар қайта тикланиб обод ҳолга келтириб турилган. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ҳатто, Буюк Ипак йўли бўйлаб қуришга мўлжалланган карвон-сарой, сардоба ва хонақоҳларнинг замонавий типовой лойиҳаларга ўхшаган намунавий чизма лойиҳалари мавжуд бўлган [7]. Масалан, Бухорода ана шундай биноларнинг маҳаллий меъморлар яратган XVI асрдаги намунавий чизмалари топилган. Демак, ўша ўрта асрларда ҳам бундай ишлар мажмуаси Буюк Ипак йўлига хизмат қилишга қаратилган бўлиб, ҳозирги тилимиз билан айтганда “йўл архитектураси”ни ташкил қилган [19].

“Йўл архитектураси” бу янги ғоя ёки атама эмас. Бу атама Собиқ Иттифокда XIX асрнинг 30-40-нчи йилларидан бошлаб амалиётда шакллана бошланган эди. Бугунги кунда у нафақат йўл қопламаси ва у бўйлаб жойлашган хизмат кўрсатиш бинолари ва иншоотлари архитектурасини,

балки йўлнинг яхлит фазовий муҳитини ва уни ташкил этувчи элементларнинг, атроф-муҳитнинг меъморий дизайн ва ландшафт тизимини ўзига камраб олади. Бу атаманинг мазмуни “йўл қурилиши”дан айнан ана шу жиҳатлари билан фарқ қилади. Йўл қурилишига йўлнинг мустаҳкамлиги, қурилишнинг тежамкорлиги, тенологик ва муҳандислик-техникавий жараёнларини таъминлаш кирса, “йўл архитектураси” тушунчаси йўлнинг ташқи бадиий кўринишига, унинг фазовий, меъморий-режавий ва ландшафт ечимларига, фойдаланишдаги қулайлигига, ташқи муҳит билан гармоник боғлиқлигига, дизайнига асосий эътиборни қаратади. Хуллас, йўл архитектураси ва қурилиши бир-бирига зид тушунчалар бўлмай, аксинча йўл қурилиши йўл архитектурасининг бошланғич таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда йўл қурувчи муҳандислар архитектор, дизайнер ва ландшафтчи меъморлар билан ижодий ҳамкорликда ишлашлари керак.

Мустақил Ўзбекистонимиз дунёга юз тутиб, бошқа давлатлар орасида обрўси ошмоқда ва республикада туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани сари юртимизга келиб-кетаётган сайёҳлар сони ҳам ортиб бормоқда. Шубҳа йўқки, келган меҳмонларнинг мамлакатимиз тўғрисидаги илк таассуротлари йўл ва йўл бўйидаги меъморий ландшафт манзараларидан бошланади. Демак, йўл тўшамасининг равон ва сифатли қилиб ётқизилишидан ташқари, барча турдаги йўл кўрсаткичлар ва белгиларининг аниқ ва кўркамлиги, дизайни, ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг маълум масофада тўхтаб дам олишлари, таранспорт ёқилғи қуйиш шаҳобчалари, устахона ва меҳмонхоналар, таммадихона ва шунга ўхшаш қулайликларнинг бўлиши бирламчи ва табиий талаблардир [8]. Шулар жумласига йўл ёқаларидаги атроф муҳитнинг тоза ва обод бўлиши, меъморий-ландшафт ечимлари ҳам киради. Ландшафти ижобий ечилмаган йўл, гул экилмаган боғга ўхшаб туради. Боғ экишнинг ўзига хос услублари бўлганидек, йўл муҳити ландшафтини шакллантиришда ҳам ўзига хос тамойилларга риоя қилиш зарур. Бошланғич тамойил — бу қурилажак авторассани жой ландшафтига, рельефига муносиблаштиришдир. Яъни трасса текисликдан

ўтадими ё қияликдан, пасту-баланд жойлардан, ундан қатъий назар уни ўтказишда иложи борица мавжуд табиий ландшафт шаклига мослаштиришни талаб қилади. Маълумки, тўғри, узундан-узон равон, бир хил йўналишдаги текис йўл ҳайдовчини толиқтиради, аксинча ҳаддан зиёд бурилишлар, баланд пасликлардан иборат йўллар ҳам ҳайдовчига хавф туғдиради [25]. Демак, йўллар ҳар иккала ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тежамли, техник жиҳатдан кониқарли, ландшафтга мос тарзда йўналтирилиши керак. Йўл ўзининг ташқи кўринишидан жой ландшафтига контраст тушувчи-сунъий коммуникацион қурилмадир. Шунинг учун ҳам йўлларнинг аҳоли масканига яқин, гўзал табиий ландшафтли, тарихий меъморий, маданий-маърифий обидаларга яқин томошабоп жойлардан ўтиши мақсадга мувофиқдир [9].

Иккинчи тамойил — бу йўл ёқаси муҳитининг ландшафт ечимига қаратилган. Йўл ёқасига яқин тиғис, қатор экилган дов-дарахтлар йўлни қуёш нуридан сақлайди ва соя-салқин муҳит ҳосил қилади, бироқ у ҳайдовчидан атроф-муҳитни пана қилади. Йўл бўйидаги қатор дарахтлар узокдан ҳайдовчига йўл бурилишини кўрсатиб туради, аммо тўсатдан йўлдан чиқиб кетилса дарахтга урилиш хавфи туғилади. Шунинг учун ҳам танасини қалинлиги 15 смдан катта бўлган дарахтларни йўл четига яқин жойлаштириш нотўғридир. Сийрак экилган дарахтлар қатори эса атроф-муҳитни пана қилмайди, бироқ, куннинг муайян соатларида йўлда қатор “зебра” соялари ҳосил қилиб ҳайдовчи кўзини чарчатади. Йўл устига мевалар ва шохчаларнинг узилиб тушиши, йўлларда ҳосил йиғувчиларни пайдо бўлиш ҳолатлари учрайди. Бироқ, боғ чети фронтини йўлга яқин келтириш мумкин, бунда масофа автомобилнинг ўртача ҳисоби тезлигидан 5 марта кам бўлиши шарт. Умуман олганда, йўл олди ландшафтини шакллантирувчи экинларни режада уч зонага бўлиб, йўл қопламаси ёнига майса ўтлар экишни, кейин буталар ва, охирида, дарахтлар экишни таклиф қиламиз. Барча экинлар автомобил газига чидамли бўлиши шарт (12-расм) [20].



*12-расм. Самарқанд вилоятига кираверишдаги баланд нуқта
ландшафтининг қишки кўриниши*

Йўл бўйидаги кўкаламзорлар шу жумладан, мавжуд дарахтзор ва ўрмонзорлардан фойдаланиш йўлни атроф четнинг ландшафтига уйғун-тарзда қўшилиб кетишига ёрдам беради, бироқ бир хил тусли дарахтлар фронти ҳам зерикарли кўринишни юзага келтиради. Йўл бўйидаги экинларни гуруҳлар кўринишида шакллантириш, дарахтзорлар фронтини эса яланглик ва буталар билан сийраклаштириб ташкил этиш мақсадга мувофиқдир [21]. Бироқ ўта такрорий, ритмик жойлашган, ўхшаш бир хил ўлчовларга эга бўлган гуруҳлар ҳам томошабин ёки ҳайдовчилар учун зерикарлидир. Шунинг учун ҳам уларни автомобил йўли бўйлаб турли масофаларга, турли ўлчам ва шаклларда, манзаравий композицияларда жойлаштириш таклиф этилади. Ана шундай турли композицияда жойлашган дарахтзорларга ижобий мисол тарзида Самарқанд-Жиззах автортрассасининг “юқори нуқта” деб аталовчи қисмидаги экинларни кўрсатиш мумкин. “Юқори нуқта” ҳозирги вақтда Самарқанд вилоятининг шарқий “дарвозаси” ҳисобланади. Вилоятга ташриф буюрадиган мартабалаи меҳмонларни ушбу дарвозада – Губдон тоғи этагидан ўтувчи йўл устида бир пиёла чой билан кутиб олиш Самарқандликлар учун одат тусига кириб қолган. Йўлнинг “юқори нуқта”

қисмида 200 гектар ер ўзлаштирилиб, мевали боғ барпо этиш ҳам мўлжалланган. Халқаро аҳамиятга эга бўлган автотрассалар бўйлаб ана шундай боғлар яратишни йўл ландшафтининг ижобий ечимлари қаторига киритиш мумкин.

Самарқанддан Хожа Исмоил ал-Бухорий зиёратгоҳ-масчидига элтувчи катта йўл ёқасида ҳам мевали хўжалик боғлари ташкил қилинган. Ана шу боғларга алоҳида меъморий-режавий шакллар берилиб, йўл муҳити ландшафтини янада гузал ва ўзига хос миллий ечимларига эришиш мумкин. Ана шу мақсадда биз Исмоил Бухорий масжида йўлидаги мавжуд хўжалик боғлари негизида ўзбек миллий боғ-истироҳатчилик санъати анъанавийларидан бири- “Чорбоғ” услубини қўллаб меъморий боғ бунёд этишни таклиф қиламиз. Боғ йўл четида унга параллел режалаштирилган бўлиб, уч қисмда: боғнинг биринчи қисмида миллий боғ-истироҳатчилик санъатининг энг яхши намуналари ва ютуқлари намойиш этилади, иккинчи қисми халқ сайллари: Наврўз ва ҳосил байрамини ўтказишга мўлжалланган, учинчи қисмида эса зиёратчи ва сайёҳлар учун замонавий меҳмонхона ва автокемпнинг биноси жойлаштириш мумкин. Боғда манзарали ва мевали дарахтлар экиш, чорчаман гулзорлар, фавворалар, сўри ва тобчанлар, дам олиш кўшклари ташкил этиш кўзда тутилади. Боғ йўлдан ўтаётган ҳайдовчи ва йўловчилар учун ҳам гузал ва сўлим ландшафт муҳитини намойиш этиши лозим. Бунинг учун эса юқорида қайд этилган йўл архитектураси ва ландшафт қоидаларига амал қилиш кўзда тутилади.

II-боб хулосаси

1. Ландшафт маданияти - бу нафақат қишлоқда яшашнинг қулайлиги, балки тураржой ва жамоат биноларининг, очиқ муҳитлар меъморчилигининг жозибадорлиги, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, унинг талаб ва эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Қишлоқда ландшафт маданияти -бу ҳовли участкасининг обод ва кўркем бўлиши, хўжалик юмушларини тўғри

ва маданий ташкил қилиш ҳам демакдир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда қишлоқларда нафақат шинам уйлар ва иморатлар қуриш, балки ҳовли боғини, қишлоқ очик муҳитлар архитектураси ва уларнинг дизайнини мақсадга мувофиқ, замонавий эстетик дид ва ландшафт талаблари асосида ташкил этиш зарурати кучаймоқда.

2. Сўнги йилларда, айниқса Мустақиллик йилларидаги ҳукуратимиз ҳужжатларида, шунингдек, матбуотда ҳам шаҳар ва қишлоқлар, шаҳарчалар ландшафт муҳитининг талабга жавоб бера олмаётганлиги, ободонлаштириш, айниқса, ландшафт архитектураси ва кўкаламзорлаштириш ишларининг эстетик ва эмоционал томонлари паст эканлиги ҳақли равишда танқид қилиб ўтилмоқда. Шу билан бирга уларда инсон фаолияти учун ҳар томонлама мукамал ва сермазмун муҳит ва уни бойитишга қаратилган чоратadbирларининг ишлаб чиқилиши талаб этилмоқда.

3. Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида шаҳардаги каби бутун ички кенгликни ягона меъморий муштаракликка бирлаштириб турувчи боғ-ҳиёбонлар бунёд этилиши катта аҳамиятга молик. Бу ҳиёбонлар маҳалла, мактаб, мактабгача болалар муассасаси ва жамоат-савдо марказларини бири бири билан улайди, пиёдаларни ундан нари маъмурий-жамоат марказига олиб чиқадиган йўл вазифасини ўтайди. Кундузлари ерга тангадай қуёш тушмайдиган турфа дарахтлар кечки пайт хордиқ чиқариш учун яхши шароит туғдиради.

4. Мустақиллик йилларида ишлаб чиқилган қишлоқ бош режалари ва намунавий лойиҳалар асосида архитекторлар республикамиз минтақаларининг географик, геологик ва иқлимий хусусиятларини чуқур ўрганган ҳолда ишланмалар яратдилар. Бу лойиҳалар пухта экспертизадан ўтказилди ва ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароити, рельефи, қишлоқлар ривожланишининг ижтимоий-демографик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда уй-жойлар қуришга киришилди.

III-БОБ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ
ЛАНДШАФТЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

3.1. Қишлоқ ландшафтлари архитектурасига қўйиладиган
умумий талаблар

Самарқанд вилояти туман марказларидаги майдонлар ва аксари боғларга қурилган фавворалар ва ҳовузларда сув йўқ, йилнинг айни иссиқ ёз фаслида улар ишламайди. Бундай сувсиз ҳовузлар ва фавворалар очиқ муҳит жамолини нафақат фэйзсиз қилади, балки табиий ландшафт кўринишини ҳам маъносиз қилади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ ландшафт архитектурасида сув ва табиат, яъни яшил дунё ҳамда архитектура орасида ўзига хос уйғунлик, – меъморий мутаносиблик зарурлигини кўрсатади. Табиат- ўсимликлар ҳаракатда, сув эса оқади, фавворалардан отилаётган сув тизгини қуёш нурида ярқираб ўзига хос ёқимли товуш чиқаради. Бу эса инсонларга ёқади. Иссиқ ва қуруқ иқлимли, жазирама ёз фаслида табиат элементлари ва доимий, кўчмас рельеф, ер сатҳи ва инсон орасидаги бундай боғланишда нюанс ёки контраст воситалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Унутмаслик керакки, ана шу боғланишда сув ҳал қилувчи кучга эга. У нафақат ҳаёт манбаи, балки инсон учун ландшафт архитектурасини меъморий ташкиллаштириш учун ҳам физик, эстетик ва руҳий кечирмалар гаровидир [29].

Республикамиз қишлоқлари шароитида очиқ муҳитлар ва ҳудудларнинг планировкasi ва қурилиш услуби, тураржойларнинг қулай микроиқлимини таъминлаш, қишлоқдагиларни яшаш ва турмуш жараёнларини кўнгилдагидек ўтказиш учун қулайлик яратилиши, уларга шахсий ёрдамчи хўжалик юритиши учун оптимал шароитлар яратиб берилиши ва қўлланилаётган услубнинг тежамкорлиги билан бир қаторда юксак меъморий-бадий сифатга ҳам эга бўлиши керак.

Қишлоқлар ва тураржойлар ҳудуди учун табиий сув манбларига, хушманзара дарахтзорларга яқин, ландшафти кўркем, баҳаво, ёғин сувлар йиғилиб қолмайдиган баландроқ, кунгай жойлар танланади. Қаттиқ бўрон ва шамолли туманларда уларни тўсиш учун тураржойлар атрофига баланд ўсадиган дарахтлар экиш ёки бу мақсадда ўрмон ва дов-дарахтлар кўп бўлган жойни танлаш мақсадга мувофиқдир. Бу омиллар тураржойлар ҳудудини чанг тўзон, қумдан, совуқ ва қуруқ иссиқ шамоллар таъсиридан сақлашда, атмосфера ҳавоси ҳамда муҳитнинг мусоффо бўлишида катта роль ўйнайди. Қишлоқ ландшафт архитектурасининг муҳити, меъморий-манзаравий сифатини бойитишда жойнинг табиий шароитларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда лойиҳаланган муҳит композициясига жойдаги бор яшил дарахтларни, очик сув ҳавзаларини, жой рельефининг чиройли қияликларини киритиш айниқса муҳимдир. Уйлар, проездлар (транспорт ўтиш йўллари), кўчалар ва квартираларнинг планировкасида ана шу табиий шароитлар эътиборга олиб лойиҳаланганда қишлоқлар манзараси ва ландшафти янада гўзаллашади.

Очик муҳитлар ҳудуди ичида аҳолининг дам олиши ва умумий байрам тадбирларини ўтказиш учун яшил зоналарни ташкил қилиш, шундай зоналар ҳамда кўча ва тураржой муҳитини меъморий- манзаравий жиҳатдан ободонлаштириш, уларга бадиий-эстетик тус бериш, умумий дам олиш зоналарини тураржой кварталлари билан соя-салқин пиёда йўлақлар орқали боғлаш каби ишлар юқоридаги усуллар билан биргаликда қишлоқ тураржойлар даҳаси ва бутун қишлоқ архитектурасига манзарали тус берувчи омиллар сифатида рўёбга чиқиши зарур.

Шу нуқтаи назардан айниқса республикамиз шиоитида табиий-иқлим талабларга мувофиқ пиёда йўллар ва умумий дам олиш зоналарининг соя салқин бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Буни қулай ландшафт ва иқлим шароитли туманларда кўкаламзорлаштириш ва ҳар хил қурилмалар ёрдамида амалга ошириш мумкин бўлса, чўл ва лалмикор яйловли туманларда турли-туман мўъжаз меъморий шакллар ва конструкциялар (соябонлар, ишкомлар,

галереялар, кўча кўлами устидан ишланган яхлит ҳажмлар ва бошқалар) ёрдамида бажариш мумкин.


Тураржой территориясининг планировкеси муайян инженерлик омилларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Масалан, кишлоқда очик сунъий суғориш системаси-ариклар қазилса тураржой территориясининг планировкеси тўғри чизикли кўринишга эга бўлади. Бу омил тоғ этагида жойлашган кишлоқларда ўз таъсирини йўқотади, чунки қиялик жойларда суғориш шаҳобчалари жой рельефига мувофиқ эгричизикли қилиб ўтказилади ва тураржой планировкасига деярли таъсир кўрсатмайди.

Келажак суғориш системалари ёпиқ (трубопроводлар бўйлаб) автоматик суғориш шаҳобчаларидан фойдаланилганда тураржой планировкеси мазкур омилга боғлиқ бўлмай, исталган кўринишга эга бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда кишлоқ қурилишидаги тураржой биноларининг меъморчилик ҳамда тураржой иморатлари қурилишининг тежамкорлик сифатларига қўйилган талаблар сезиларли даражада ошиб бормоқда. Шу билан бирга қурилиш ва лойиҳалаш тажрибасида бу соҳада қатор камчиликларга йўл қўйилди. Иморатларни яқкалаб, алоҳида турган ҳолда қуриш давом этди. Кўча ва квартираларни бу тартибда қуриш кварталларни, яшаш ҳовлиларини, ҳовли участкаларининг очик ва ноизчил кўринишига олиб келди, натижада ҳовли ва кўча чиройининг сифати анча пасайди. Кўча қурилишида бир оҳанглилик – такрорий бир хил услублар, меъморчилик акцентларисиз, хуллас зериктирарли ҳолат рўй бермоқда. Кўча қизил чизиғидан уйларнинг анча орқага сурилиши натижасида кўча кўламининг кенгайиши кўча ва квартиралар меъморий масштабининг бузилишига олиб келди.

Кишлоқ тураржой қурилишига хос бўлган қиёфалардан бири кўча перспективасининг узлуксизлиги, шаклларнинг изчиллиги, силуэтнинг оддийлигидир. Кўча қурилишининг характерли ўхшашлигида унга мос бўлган бундай қиёфани бойитиш халқ меъморчилигида тураржой бинолари

қурилишига ҳар хил акцентлар киритиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Дарвоза, унга ўрнатилган эшик ёки кўча эшиги ҳамда уларнинг четларига зийнатли безакдор элементлар билан сайқал берилган. Кўпинча дарвоза устидан иккинчи қаватда дам олиш хонаси – болохона қурилиб, кириш жойига савлатли тус берилмоқда (13-расм).




13-расм. Қишлоқ учун мўлжалланган болохонали ёндоштирилган уйнинг тарҳи ва тарзи

Тураржой қурилишининг мақсадга мувофиқлигини, унинг меъморий-бадий савиясини ошириш мақсадида бир қанча тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, ҳовли участкаси фасад томонининг энини қисқартириш туфайли тураржой қурилишининг кўча бўйлаб зичлигининг ошишига эришиш мумкин. Бу қурилишнинг иқтисодий тежамкорлигини оширишга ёрдам беради.

Иккинчидан, ҳовлида тураржой уйлариининг блокировкасини блок-вставкалар (гаражлар, ёпиқ кириш жойлари-дарвозахоналар, долонлар, болохоналар ва шунга ўхшашлар) билан амалга ошириш керак. Бу қурилишнинг иқтисодий тежамкорлигини оширишга ёрдам бериш билан бир қаторда ҳовли муҳитини кўздан ҳолилигини, осойишталигини таъминлайди ҳамда кўча перспективасининг архитектураси ва бадий қиёфасини

яхшилашга ёрдам беради. Тураржой уйларининг қишлоқ участкаси ва плонировкасининг ҳар хил шароитларга мослигини ошириш билан ҳар хил ориентациядаги ҳовлиларнинг оптимал қурилишига имкон яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга (14-расм) [30].



14-расм. Ҳар хил иқлим шароитларига мўлжалланган ҳовлиларнинг ландшафт жойлашиши

Қурилишда сифат ва суръатни ошириш, қурилиш харажатларини камайтириш ва қийматини янада арзонлаштириш мақсадида маҳаллий қурилиш материаллари ва ноанъанавий халқчил услублар асосида қуришга мўлжалланган уйларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилиши керак. Бундай лойиҳаларда уйларнинг инженерлик жиҳозлари ва сантехника хоналарининг турли хил вариантларда ишланишига, оила аъзолари сонининг ўсишига қараб уй-жойнинг кенгайишига ва яшаш хоналарининг кўпайишини ҳисобга олишга эришиш лозим. Ғиштин ва яхлит керамзит бетон уйлар билан бир қаторда лойдан қуриладиган яхлит конструкцияли уйларни шахсий уй-жой қуриш учун лойиҳалаш, халқ бинокорлик технологиясидаги каби фойдаланишга қулай, содда ва механизациябоп қурилиш технологиясини ва қолипини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Тураржой фасадларини ҳар хил вариантлардаги ечимлари билан таъминлаш, уйни меъморий безаклар билан безаш, ранг қўллаш ишларига ҳам катта эътибор берилиши керак.

Вилоят архитектора ва қурилиш бўлимлари, туман архитекторларида жойларда аҳолини қишлоқ уйларининг типовой ёки индивидуал меъморий безаклари билан таништирувчи альбомлар бўлиши керак.

Юқорида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш, лойиҳалаш ва қуриш тажрибасида уларга амал қилиш қишлоқ архитектурасини ва умуман қишлоқларимиз қийфасини, ландшафт архитектурасининг замонамиз талабларига мос равишда ўзгартиришга, қишлоқларимизни қайта қуриш суръатини тезлаштирига ёрдам беради.

3.2. Самарқанд вилояти қишлоқларининг ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича таклифлар

3.2.1. Қишлоқлар ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича маъмурий-ташқилӣ чоралар маъмурий-ташқилӣ чоралар

Ландшафт архитектураси ва дизайни масалалари айрим ривожланган Шарқ ва Ғарб мамлакаларида давлат сиёсати, ҳатто халқ миллий мафкураси билан омихта тарзда қоришиб кетган. Масалан, Япония, Франция, Германия, Англия ва Бразилия каби мамлакатларда шаҳарларни кўкаламзорлаштириш ва ландшафт архитектураси миллат ғурури ҳисобланади. Яқинда Тошкентда ташкил этилган Япон боғи фикримизнинг исботидир. Ушбу мамлакатларда “Ландшафт архитектураси” ва “Ландшафт дизайни” номли махсус даврий журналлар чиқариладигани, улар халқни ва ёшларни шу йўсинда тарбиялайди. Энди ўйлаб кўрайлик, биз Японияда ўзбек миллий боғини ташкил қила оламизми? Тан олишимиз керакки, бу саволга ижобий жавоб беришга ожизмиз. Негаки, японлар ўзларининг миллий боғини қандай яратиш

концепциясига эга, биз эса афсуски бундай концепцияга ҳозиргача эга эмасмиз.

Бизда агар улуғ алломалар тавалуддини муносиб нишонлаш ва миллий байрамлар ўтказиш муносабати билан асосан пойтахт шаҳарларда барпо этилаётган боғ-ҳиёбонлар ва ихтиссослашган истироҳат паркларини эътиборга олмасак, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш санъати, ландшафт архитектураси ва меъморий муҳит дизайни ишларининг миллий дастурини яратиш ва уни жаҳон ҳамда Марказий Осиё халқларининг тарихий меъморий боғ-истиरोҳатчилик ва ландшафт дизайни санъатига уйғунлаштириш масалалари устида арзигудек ё амалий, ёки илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаётир.

Тўғри, кейинги йилларда пойтахт шаҳарларида, жумладан Тошкент, Остона, Ашхабодда ландшафт архитектураси, меъморий муҳит дизайни, маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига эътибор кучайтирилмоқда. Ўзбекистонда ҳатто Республика Президенти ташаббуси билан “Обод маҳалла” йили ва дастури амалга жорий этилди. Бу соҳада вилоятларда, жумладан Самарқандда ҳам қатор ишлар амалга оширилди: шаҳардаги мавжуд “Парк озеро” қайта ишланиб “Афсона” номли янги болалар аквопарки вужудга келди, “Университет хиёбони” қайта ишланди, Суғдиёна тураржой масканида янги истироҳат боғи бунёд этилди, Кўксарой майдонида янги фавворлар боғи бунёд этилмоқда ва ҳоказо. Бироқ, булар кўпни ва дунёни кўрган юртбошиларимиз ва айрим жонкуяр вилоят ҳокимларининг сайъ-ҳаракатлари натижасида рўёбга чиқмоқда. Шу билан бирга архитекторлар ва ландшафт дизайнерлари фаолияти, шу жумладан ландшафт архитектураси ва дизайни фанининг Марказий Осиё республикаларида жаҳон амалиётидан орқада қолиши сезилмоқда. Кейинги йилларда вилоятлар туманларида кўплаб хўжалик боғлари барпо этилди ва этилмоқда. Ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонларитиш бўйича оммавий халқ ҳашарлари, республика миқёсида эса кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлари ўтказилмоқда. Бу эса хайрли ва яхши иш. Бироқ,

барпо этилаётган хўжалик боғлари билан Марказий Осиё халқларининг тарихий меъморий боғлари миллий боғ-истироҳатчилик ва оройишчилик санъати орасида кескин фарқ бор. Ҳозирги хўжалик боғларининг Амир Темур ва Темурийлардавида яратилган меъморий боғлар билан мутлақо тенглаштириб бўлмайди. Шундай экан, Темурийлар даври Марказий Осиё миллий боғ-истироҳатчилик санъатини қайта жонлантириб, унинг минтақа халқлари тарихи ва жаҳон цивилизациясида тутган муносиб ўрни ва ролини қайта тиклаш ва уни янги умуминсонийқадриятлар поғонасига кўтариш вақти келди. Бу эса ушбу соҳа мутахассислари, олимлар, архитектор ва дизайнерлардан қатор долзарб ишларни амалга оширишни тақазо этади. Шулардан айримлари бизнинг фикримизча қуйидагилардир:

- Ривожланган мамлакатлар ва Марказий Осиё халқлари миллий боғ-истироҳатчилик, кўкаламзорлаштириш санъати, ландшафт архитектураси ва дизайни тарихини қунт билан ўрганиш;

- Марказий Осиё халқларининг моддий-маданий ва миллий бунёдкорлик қадрияти бўлмиш боғ-истироҳатчилик санъатига хос “чорбоғ”, “чортоқ”, “чорчаман” ва “чорчинор” композицияларни қайта тиклаш концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш;

- Ушбу дастур асосида Марказий Осиё халқлари миллий меъморий боғларининг ҳар томонлама илмий асосланган концептуал намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- Ушбу лойиҳалар мисолида меъморий боғларнинг Марказий Осиё халқлари миллий боғ-оройишчилиги ва кўкаламзорлаштириш санъатини, шунингдек Амир Темур ва Темурийлар даврига хос “Чорбоғ” услубини амалда қайта тиклаш тадбирларини излаб топиш ва уларни ҳаётга жорий қилиш;

- Марказий Осиёда қишлоқ архитекторлари, дендрологлар ва очик меъморий муҳит дизайнерлари ихтисосликлари бўйича магистрлар тайёрлашга ўтиш;

-Самарқанд вилояти туман марказларининг ўрта махсус таълим муассасалари тизимида ландшафт архитектураси, дендрология ва қишлоқ муҳити дизайни бўлимларини очиш ва уларни истиқболда алоҳида коллежларга айлантириш;

- Қишлоқларимизнинг ландшафт архитектураси ва дизайни, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини яхшилаш мақсадида бундан бунён нафақат меъморий лойиҳалар, балки бу соҳага қаратилган махсус дендролойиҳалар ҳам ишланиши, ландшафт архитектураси ва дизайнини эса ушбу лойиҳалар асосида оғишмай амалга оширишни йўлга қўйиш;

- Вилоятда ландшафт архитекторлари ва дизайнерларининг ижодий уюшмасини тузиш ва бу соҳада қўлга киритилган ютуқ ва тажрибаларни кенг халқ оммасига тарғибот қилиш;

- Ландшафт архитектураси ва қишлоқ муҳити дизайни соҳасида амалга оширилган энг яхши ишлар, бажарилган лойиҳалар, илмий тадқиқотлар ва адабиётлар конкурсини ўтказиб туриш. Бу масалаларни кўтаришимиздан мақсад қишлоқ ландшафт архитектураси ва дизайнини келажакда давлат сиёсати, халқимизнинг бунёдкор санъати ва миллий ифтихори даражасига кўтариш, ушбу тушунчаларни эса Самарқанд вилояти қишлоқларининг миллий маданияти ва ҳаёт фалсафасига айлантиришдир.

Қишлоқда ландшафт архитектурасини ривожлантиришга қаратилган маъмурий-ташкилий чора – тадбирлар ўтказиш бўйича қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Вилоят ҳокимлиги ва туман ҳокимликлари ташаббуслари билан вилоят қишлоқларида “Обод маҳалла”, “Энг обод қишлоқ”, “Гул сайллари”, “Обод ҳовли”, “Обод қишлоқ маркази” каби номинацияларда очиқ муҳитлар ландшафти ва ободончилик ишларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни қишлоқ ҳаётига жорий қилиб, бу тадбирларни уюшқоқлик билан ташкиллаштириш ва ўтказиш;

Ландшафт архитектурасининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича куйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Ҳар бир туманга кўкаламзорлаштириш мавсумлари учун янги кўчат навларини етарли миқдорда ва сифатли етиштириб бериш мақсадида туманлараро ўрмон хўжаликларини ташкил қилиш, бундай хўжаликларни иқтисодий таъмиллаш чора-тадбирларини кўриш;

2. Ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича оммавий халқ хашарлари, қишлоқлар очик муҳитларини ободонлаштириш ойлари уюшқоқ ҳолда ўтказиш, бунинг учун ҳомийлар фондини ташкил қилиш;


3.2.2. Ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича амалий таклифлар

Республикамиз қишлоқ қурилишида кейинги йилларда тураржой гуруҳлари ва мажмуалари билан бир қаторда тураржойларни режалаштиришда қишлоқ маҳаллаларини ташкил қилиш услуби ҳам янгитдан амалга кириб бормоқда. Тураржой маҳаллалари икки гуруҳга: қошида ҳовлиси бор уйлардан (хонадонлардан) тузилган маҳаллаларга ва ҳовлисиз уйлардан тузилган маҳаллаларга бўлинади. Биринчи гуруҳни ҳовлили уйлар ва блокировкаланган уйлардан қурилган маҳаллалар ташкил қилса, иккинчисини — квартирали секция ва галерея типдаги уйлардан қурилган маҳаллалар ташкил қилади.

Ҳар иккала кўринишдаги қишлоқ маҳаллаларидан биринчи гуруҳга кирувчи ҳовлили уйлардан тузилган маҳаллалар республикамиз қишлоқларида кенг қўлланилиб келинмоқда. Бунга сабаб ҳовлили, кўп хонали уйларнинг қишлоқликлар талабини тўла қондира олишидадир. Тураржой уйларининг ўлчовлари ва қаватининг чеккадан қишлоқ марказига қараб ошиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бу услуб, биринчидан қишлоқ маркази яқинида кўп аҳолини йиғишга, иккинчидан эса марказлашган газ,

сув таъминоти ва канализация тармоқларининг узунлигини камайитиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, қишлоқ марказининг фазовий ландшафт муҳитини яхшилашга, марказий бош ядронинг бадиий манзаравий жиҳатдан таъсирчанлигини оширишга имкон яратади.

Тураржой ҳудуди ичи ва қишлоқ жамоат бинолари ҳудуди, очик муҳитлар ҳамда кўча ва тураржой муҳитини меъморий-манзаравий жиҳатдан ободонлаштириш, уларга бадиий-эстетик тус бериш, уларни жамоат бинолари ва тураржой маҳаллалари билан соя-салқин пиёда йўлаклар орқали боғлаш каби ишлар юқоридаги усуллар билан биргаликда қишлоқ тураржой даҳаси ва бутун қишлоқ архитектурасига манзарали ландшафт кўринишларини берувчи омиллар сифатида рўёбга чиқмоқда (15-расм).



15-расм. Ҳовли томорқасини ободонлаштириш ва кўкаласзорлаштириш бўйича таклифлар

Шу нуқтаи назардан, айниқса, республикамиз шароитидаги табиий иқлим талабларига мувофиқ пиёда йўллар ва умумий дам олиш зоналарининг соя-салқин бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Буни қулай ландшафт ва иқлими яхши туманларда кўкаламзорлаштириш ва ҳар хил қурилмалар ёрдамида амалга ошириш мумкин бўлса, чўл ва лалимикор яйловли туманларда турли-

туман мўъжаз меъморий шакллар ва конструкциялар (соябонлар, ишжомлар, галереялар, кўча кўлами устидан ташланган яхлит ҳажмлар ва бошқалар) ёрдамида бажариш мумкин.

Кейинги йилларда қишлоқ қурилишидаги тураржой биноларининг меъморчилик ҳамда тураржой исморатлари қурилишининг тежамкорлик сифатларига қўйилган талаблар сезиларли даражада ошиб бормоқда. Қурилиш ва лойиҳалаш тажрибасида бу соҳада қатор камчиликларга йўл қўйилган. Иморатларни яққалаб, алоҳида турган ҳолда қуриш давом этмоқда. Кўча ва маҳаллаларни бу тартибда қуриш кварталларни, яшаш ҳовлиларини, ҳовли участкаларининг очик ва ноизчил кўринишига олиб келмоқда, натижада ҳовли ва кўча чиройининг сифати анча пасайган. Қишлоқ кўчаларининг қурилишида бир оҳанглилик–такрорий бир хил услублар, меъморчилик акцентларисиз, хуллас зериктирарли ҳолат рўй бермоқда.


Қишлоқ тураржой қурилишига хос бўлган қиёфалардан бири бу кўча перспективасининг узлуксизлиги, шаклларнинг изчиллиги, силуэтнинг оддийлигидир. Кўча қурилишининг ўхшашлигида унга мос бўлган бундай қиёфани бойитиш халқ меъморчилигида тураржой бинолари қурилишига ҳар хил акцентлар киритиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Дарвоза, унга ўрнатилган эшик ёки кўча эшиги ҳамда уларнинг четларига зийнатли безакдор элементлар билан сайқал берилган. Кўпинча дарвоза устидан иккинча қаватда дам олиш хонаси–болохона қурилиб, кириш жойига савлатли тус берилмоқда.

Қишлоқ тураржой қурилишининг мақсадга мувофиқлигини, унинг меъморий-бадий савиясини оширишда қуйидаги бир қатор тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Биринчидан, ҳовли участкаси фасад томонининг энини қисқартириш туфайли тураржой қурилишининг кўча бўйлаб зичлигининг ошишига эришиш мумкин. Бу қурилишнинг иқтисодий тежамкорлигини оширишга ёрдам беради.


Иккинчидан, ҳовлили тураржой уйларининг блокировкасини блок-ставкалар (гаражлар, ёпиқ кириш жойлари-дарвозахоналар, долонлар, болохоналар ва шунга ўхшашлар) билан амалга ошириш керак. Бу қурилишнинг иқтисодий тежамкорлигини оширишга ёрдам бериш билан бир каторда ҳовли муҳитини кўздан ҳолилигини, осойишталигини таъминлайди ҳамда кўча перспективасининг архитектураси ва бадиий қиёфасини яхшилашга ёрдам беради.

Қишлоқ уйларининг лойиҳаларида оила аъзолари сонининг ўсишига қараб уй-жойнинг кенгайиши ва яшаш хоналарининг кўпайишини ҳисобга олиш лозим. Ғиштин ва яхлит керамзит-бетон уйлар билан бир каторда лойдан қуриладиган яхлит конструкцияли уйларни шахсий уй-жой қуриш учун лойиҳалаш, халқ бинокорлик технологисидаги каби фойдаланишга қулай, содда ва механизациябон қурилиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ қилиш катта аҳамиятга эгадир. Тураржой фасадларини ҳар хил вариантлардаги ечимлар билан таъминлаш, уйни меъморий безак билан безаш, ранг қўллаш ишларига ҳам катта эътибор берилиши керак. Қишлоқ иморатларини қуришда курси, бинога кириш қисми-астона, бино шакл-шамоили ва бадиий тугаллик шакллари ҳам эътиборга олинishi шарт (16-расм).



16-расм. Қишлоқ қўрғонларини замонавий шаҳарсозлик тамойиллари асосида шакллантириш бўйича таклифлар

Меъморчилик объектлари ва шаклларининг мутаносиблиги ва функцияси билан бирга ўша жойдаги яшил дунё ва сув манбаларини ҳам назарда тутиш, очик ва ёпиқ яшил майдонлар ташкил қилишни ҳам эътиборга олиши лозим. Барглари ёзин-қишин кўм-кўк бўлиб турувчи манзарали дарахтлар ва буталарни, чирмашиб ва осилиб ўсувчи чиройли ўсимликларни, бир йиллик ва кўп йиллик гулларни, манзарали мўъжаз сунъий сув ҳавзаларини (фавворалар, ховузлар, шалолалар, булоқларни) ва лозим меъморий шаклларни керакли жойларга жойлаштириш, уларнинг ўзаро эстетик уйғунлигига ҳамда атрофдаги бинолар, майдонлар, йўллар ва йўлаклар, жой рельефи билан кўламдорлигига ва композицион яхлитлигига эришиш зарур (17-расм).





17-расм. Қишлоқ пиёдалар йўллари ободонлаштириш бўйича таклифлар

Қишлоқ муҳитини ташкил қилишда табиий манзаравий ландшафт элементларнинг кўлами анча эътиборлидир. Қишлоқ жойларини табиий ландшафт дизайни элементлари билан жиҳозлашнинг янги ва маҳаллий шакллари излаш ораста ва кўркам муҳит яратишнинг муҳим меъморий омилидир.

Қишлоқ ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда собиқ иттифоқ даврида кенг қўлланиб келинган “живые изгороди”, яъни тирик яшил тўсиқларга барҳам бериш вақти ҳам келди деб ўйлайман. Бугунги кунда яшил тўсиқлар

Европада ўтмиш искирти ҳисобланади. Бизда эса улар қишлоқларда ва туман марказларида ханузгача қўлланмоқда. Уларнинг ўрнига яшил бордюлар, партер майсалар ва партер гулзорларни қўллаш пайти келди. Қуйида ана шундай ландшафт композицияларининг тарҳи, номи, ўсимликлар таркиби, жойлашиши ва умумий кўринишлари келтирилган:

Тарҳи	Элементнинг номи, ўсимликлар таркиби ва жойланиши	Умумий кўриниши
	Гул ўстирадиган темир бетон гулдонлар. Манзарали гуллар билан алмаштириб турилувчи лолагул ва атиргуллар. Майдонлар, асосий пиёда йўллар, паркларда, агросаноат корхоналарининг кириш жойларида	
	Барги манзарали, гулловчи ўсимликлардан ишланган лентасимон арабеска. Майсазорлар, парклар, йўллар ва йўлаклар ёқасида.	
	Ўртасида юмалоқ тошлар ёки майса жойлашган гуллардан тузилган ҳалқа. Йўллар кесипувида, кўчаларда, хиёбонлар қошида, паркнинг бош йўлакларида, катта майсазорларда	
	Гуллар ва баргли манзарали гулловчи ўсимликлардан тузилган ҳалқа клумба. Майсазорларда, йўл ёқаларида, паркларда	
	Пиёзсимон ўсимликлардан тузилган квадратлар (наргисгул, лолагул ва бошқалар). Манзарали гуллар билан алмаштирилиб турилади. Асосий майдонларда (майсазорда), жамоат ва маъмурий бинолар олдида, ёдгорликлар қошида	
	Нинабаргли буталар ва манзарали гуллардан тузилган тўлқинсимон ҳалқа. Хиёбонлар, парклар, меъмориал зоналарда, асосий кўчаларда	
	Кўп йиллик ўсимликлар ва манзарали буталардан (ёки нинабаргли буталардан) тузилган аралаш гуруҳ. Кенг очик майсазорларда, паркларда	
	Ўртасида корағай, тилоғоч ёки заранг жойлашган кўп йиллик ўсимликлар ва манзарали буталардан тузилган аралаш гуруҳ. Паркда, асосий майдонларда, кенг очик майсазорларда.	

Шу ва шунга ўхшаш ландшафт композициялари вилоят архитектура қурилиш бошқармалари, туман архитекторларида жойларда аҳолини қишлоқ уйларида намунавий ёки хусусий меъморий безаклари ва ландшафт дизайни билан таништирувчи альбомлар таркибида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда [5] ва “2009 йил – қишлоқ тараққиёти ва форовонлиги” йили давлат дастурида кўрсатилган вазифалар асосида бугунги кунда қишлоқларимизда қурилаётган тураржой, жамоат, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, агросаноат ҳамда ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари архитектурасининг иложи борица тежамли, иқтисодий ечимларини излаб топиш, бино ва иншоотларни аҳоли фойдаланиши учун қулай ва осон бўлган жойларга жойлаштириш ва уларнинг ландшафт ечимлари масалаларига ҳам катта эътибор беришимиз керак [29].

Юқорида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш, лойиҳалаш ва қурилиш тажрибасида уларга амал қилиш қишлоқ тураржой архитектурасини ва умуман қишлоқларимиз қиёфасини замонамиз талабларига мос равишда ўзгартиришга, қишлоқларимизни қайта қуриш суръатини тезлаштиришга ёрдам беради деган умиддамиз.

3.2.3. Ландшафт архитектураси бўйича қишлоқ малакавий таълим тизимини ривожлантириш

Шаҳарсозлик лойиҳаларини ечишда ва уни амалга оширишда кўпгина ҳолларда боғ-парк ва ландшафт қурилиши, ландшафт архитекторлари ва мутахассис кадрларнинг етишмаслиги лойиҳа ишларининг сифати, муҳит комфортини ошириш масалаларида кўзга ташланмоқда. Профессional кадрларга бўлган кучли эҳтиёж ишлаб чиқариш соҳалари, хусусан, қурилиш ва фойдаланиш ташкилот (ободонлаштириш ташкилот)лари фаолиятида, декоратив боғчилик йўналишида сезилмоқда. Лойиҳалаш ташкилотларида

ландшафт архитектураси лойиҳаларининг профессионал даражада бажарилмаётганлиги қурилиш ишлари сифатининг пасайишига олиб келмоқда. Шаҳарсозлик, кўкаламзорлаштириш ва экологик салбий ҳолатлар кескинлашуви кенг авж олаётган шароитда профессионал мутахассисларга талаб кундан-кунга кучаймоқда.

Квалификацияли ишчи ва коммуникатив техник ходимлар, ландшафт архитекторлари ва инженерлари каби етук кадрлар таъминоти ландшафт соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Чунки, тўғри ташкиллаштирилган ландшафт муҳити негатив таъсирларни камайтириб, инсонларни визуал-эстетик салбийланишдан ҳимоя қилади ҳамда бой маданий меросни сақлаш, тиклаш ва келажак авлодларга етказиб беришда катта ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда қишлоқ архитекторлари, дендрологлар, ўрмон хўжаликлари, очик меъморий ҳудуд дизайнерлари мутахассисликлари бўйича мауистрлар тайёрлашга ўтиш;

Самарқанд вилояти туман марказларининг ўрта махсус таълим муассасалари тизимида ландшафт архитектураси, дендрология, гулчилик, ва қишлоқ муҳити дизайни бўлимларини очиш ва уларни истиқболда алоҳида фаолият кўрсатувчи касб-ҳунар коллежларига айлантириш.

III-боб хулосаси

1. Кишилар ўз тарихини ўзи яратадилар, бироқ бу тархни улар ўзлари хоҳлаганларича яратавермайдилар. Бунинг учун зарур моддий-ижтимоий, маданий-маърифий асос, имконият яратилиши талаб этилади. Ана шундай имкониятлар яратилган ёки топилгандагина ўшаларга мос тарзда кишиларда ижтимоий ва бадиий, ҳаётий эҳтиёжлар вужудга келади. Демак, қишлоқларда ландшафт архитектурасини ривожлантириш учун энг аввало қишлоқларнинг ландшафт маданияти ва моддий имкониятларини яхшилаш, кўтариш зарурдир. Ўшандагина уларда ландшафт архитектурасига эҳтиёж, ҳаётий зарурат туғилади.

2. Тадқиқотнинг мазкур бобида Самарқанд вилояти қишлоқларида ландшафт меъморчилигини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қатор комплекс тақлифлар ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилардан иборат:

Қишлоқда ландшафт архитектурасини ривожлантиришга қаратилган маъмурий-ташкилий чора – тадбирлар ўтказиш бўйича:

Вилоят ҳокимлиги ва ва туман ҳокимликлари ташаббуслари билан вилоят қишлоқларида “Обод маҳалла”, “Энг обод қишлоқ”, “Гул сайллари”, “Обод ҳовли”, “Обод қишлоқ маркази” каби номинацияларда очик муҳитлар ландшафти ва ободончилик ишларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни қишлоқ ҳаётига жорий қилиб, бу тадбирларни уюшқоқлик билан ташкиллаштириш ва ўтказиш.

Ландшафт архитектурасининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича:

- Ҳар бир туманга кўкаламзорлаштириш мавсумлари учун янги кўчат навларини етарли миқдорда ва сифатли етиштириб бериш мақсадида туманлараро ўрмон хўжаликларини ташкил қилиш, бундай хўжаликларни иқтисодий таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

- Ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича оммавий халқ хашарлари, қишлоқлар очик муҳитларини ободонлаштириш ойларини уюшқоқ ҳолда ўтказиш, бунинг учун қишлоқ фермерлари уюшмаси ҳисобидан керакли ҳомийлар фондини ташкил қилиш.

Ландшафт архитектураси соҳасида қишлоқ малакавий таълим тизимини ривожлантириш бўйича:

- Ўзбекистонда қишлоқ архитекторлари, дендрологлар, ўрмон хўжаликлари, очик меъморий ҳудуд дизайнерлари мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлашга ўтиш;

- Самарқанд вилояти туман марказларининг ўрта махсус таълим муассасалари тизимида ландшафт архитектураси, дендрология, гулчилик ва қишлоқ муҳити дизайни бўлимларини очиш ва уларни истиқболда алоҳида фаолият кўрсатувчи касб-хунар коллежларига айлантириш.

Ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича амалий таклифлар:

- Қишлоқ ҳовлилари, турар жойлари, жамоат бинолари ва ландшафт архитектурасини лойихалаш, ташкиллаштиришда қишлоқларнинг географик хусусиятлари ва маҳаллий табиий иқлим шароитларини ҳисобга олиш;

- Қишлоқлардаги ҳовлили уйлар ландшафт архитектурасини ташкиллаштиришда диссертацияда таклиф этилган ҳовли участкаларини функционал зоналарга бўлиб чиқиш ғоясини қўллаш, жамоат биноларининг ички ҳовлиларини ”боғ-полиз”, “партер боғ”, “қуруқ пейзажли тошлок боғлар” кўринишларида лойихалаштириш ва ташкиллаштириш, ҳовли боғларида меваги дарахтлардан “паллметта”лар ишлаш тадбирларини қўллаш;

- Республикамиз қишлоқлари шароитида очик муҳитлар ва ҳудудларнинг планировкasi ва қурилиш услуби, тураржойларнинг қулай микроиқлимни таъминлаш, қишлоқдагиларни яшаш ва турмуш жараёнларини кўнгилдагидек ўтказиш учун қулайлик яратилиши, уларга шахсий ёрдамчи хўжалик юритиши учун оптимал шароитлар яратиб берилиши ва қўлланилаётган услубнинг тежамкорлиги билан бир қаторда юксак меъморий-бадий сифатга ҳам эга бўлишини таъминлаш;

- Қишлоқлар ва тураржойлар ҳудуди учун табиий сув манбаларига, ҳушманзара дарахтзорларга яқин, ландшафти кўркем, баҳаво, ёғин сувлар йиғилиб қолмайдиган баландроқ, кунгай жойлар танланиши мақсадга мувофиқдир. Қаттиқ бўрон ва шамолли туманларда уларни тўсиш учун тураржойлар атрофига баланд ўсадиган дарахтлар экиш ёки бу мақсадда ўрмон ва дов-дарахтлар кўп бўлган жойни танлаш мақсадга мувофиқдир. Бу омиллар тураржойлар ҳудудини чанг тўзон, қумдан, совуқ ва қуруқ иссиқ шамоллар таъсиридан сақлашда, атмосфера ҳавоси ҳамда муҳитнинг мусаффо бўлишида катта роль ўйнайди;

- Тураржой курилишининг мақсадга мувофиқлигини, унинг меъморий-бадий савиясини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- **Биринчидан**, ҳовли участкаси фасад томонининг энини қисқартириш туфайли тураржой курилишининг кўча бўйлаб зичлигининг ошишига эришиш мумкин. Бу курилишнинг иқтисодий тежамкорлигини оширишга ёрдам беради;

- **Иккинчидан**, ҳовлили тураржой уйларининг блокировкасини блок-вставкалар (гаражлар, ёпиқ кириш жойлари-дарвозахоналар, долонлар, болохоналар ва шунга ўхшашлар) билан амалга ошириш керак. Бу курилишнинг иқтисодий тежамкорлигини оширишга ёрдам бериш билан бир қаторда ҳовли муҳитини кўздан ҳолилигини, осойишталигини таъминлайди ҳамда кўча перспективасининг архитектураси ва бадий қиёфасини яхшилашга ёрдам беради. Тураржой уйларининг қишлоқ участкаси ва планировкасининг ҳар хил шароитларга мослигини ошириш билан турли хил ориентациядаги ҳовлиларнинг оптимал курилишига имкон яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

4. Қишлоқ йўллари муҳитининг ландшафтини шакллантиришда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш зарур:

- курилажак авторассани жой ландшафти ва рельефига муносиблаштиришдир, яъни трасса текисликдан ўтадими ё қияликдан, пасту-баланд жойлардан, ундан қатъий назар уни ўтказишда иложи борича мавжуд табиий ландшафт шаклига мослаштиришни талаб қилади;

- йўлларнинг аҳоли масканига яқин, гўзал табиий ландшафтли, тарихий меъморий, маданий-маърифий обидаларга яқин томошабоп жойлардан ўтиши мақсадга мувофиқдир;

- йўл олди ландшафтини шакллантирувчи экинларни режада уч зонага бўлиб, йўл қопламаси ёнига майса ўтлар экишни, кейин буталар ва, охирида, дарахтлар экишни таклиф қиламиз. Барча экинлар автомобил газига чидамли бўлиши шарт.

ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР: ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР

Мазкур ишда бажарилган илмий тадқиқотлар асосида Самарқанд вилояти шароитида қишлоқ ландшафтлари архитектурасини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифлар конверти ишлаб чиқилди:

- маъмурий-ташкилий чора – тадбирлар ўтказиш бўйича таклифлар;
- ландшафт архитектурасининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича таклифлар;

- ландшафт архитектураси соҳасида қишлоқ малакавий таълим тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар;

- ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича амалий таклифлар.

Улар қуйидагилардан иборат:

I. Қишлоқда ландшафт архитектурасини ривожлантиришга қаратилган маъмурий-ташкилий чора – тадбирлар ўтказиш бўйича таклифлар:

1. Вилоят ҳокимлиги ва ва туман ҳокимликлари ташаббуслари билан вилоят қишлоқларида “Обод маҳалла”, “Энг обод қишлоқ”, “Гул сайллари”, “Обод ҳовли”, “Обод қишлоқ маркази” каби номинацияларда очиқ муҳитлар ландшафти ва ободончилик ишларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни қишлоқ ҳаётига жорий қилиб, бу тадбирларни уюшқоқлик билан ташкиллаштириш ва ўтказиш.

II.Ландшафт архитектурасининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича таклифлар:

1. Ҳар бир туманга кўкаламзорлаштириш мавсумлари учун янги кўчат навларини етарли миқдорда ва сифатли етиштириб бериш мақсадида туманлараро ўрмон хўжаликларини ташкил қилиш, бундай хўжаликларни иқтисодий таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

2. Худудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича оммавий халқ хашарлари, қишлоқлар очик муҳитларини ободонлаштириш ойлари уюшқоқ ҳолда ўтказиш, бунинг учун қишлоқ фермерлари уюшмаси ҳисобидан керакли ҳомийлар фондини ташкил қилиш.

III.Ландшафт архитектураси соҳасида қишлоқ малакавий таълим тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар:

1.Ўзбекистонда қишлоқ архитекторлари, дендрологлар, ўрмон хўжаликлари, очик меъморий ҳудуд дизайнерлари мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлашга ўтиш;

2.Самарқанд вилояти туман марказларининг ўрта махсус таълим муассасалари тизимида ландшафт архитектураси, дендрология, гулчилик ва қишлоқ муҳити дизайни бўлимларини очиш ва уларни истиқболда алоҳида фаолият кўрсатувчи касб-ҳунар коллежларига айлантириш.

IV.Ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича амалий таклифлар:

1.Қишлоқ ҳовлилари, турар жойлари, жамоат бинолари ва ландшафт архитектурасини лойихалаш, ташкиллаштиришда қишлоқларнинг географик хусусиятлари ва маҳаллий табиий иқлим шароитларини ҳисобга олиш;

2.Қишлоқлардаги ҳовлили уйлар ландшафт архитектурасини ташкиллаштиришда диссертацияда таклиф этилган ҳовли участкаларини функционал зоналарга бўлиб чиқиш ғоясини қўллаш, жамоат биноларининг ички ҳовлиларини ”боғ-полиз”, “партер боғ”, “қуруқ пейзажли тошлоқ боғлар” кўринишларида лойихалаштириш ва ташкиллаштириш, ҳовли боғларида мевали дарахтлардан “паллметта”лар ишлаш тадбирларини қўллаш;

3. Республикамиз қишлоқлари шароитида очик муҳитлар ва ҳудудларнинг планировкasi ва қурилиш услуби, тураржойларнинг қулай микроиқлимини таъминлаш, қишлоқдагиларни яшаш ва турмуш жараёнларини кўнгилдагидек ўтказиш учун қулайлик яратилиши, уларга шахсий ёрдамчи хўжалик юритиши учун оптимал шароитлар яратиб

берилиши ва қўлланилаётган услубнинг тежамкорлиги билан бир қаторда юксак меъморий-бадий сифатга ҳам эга бўлишини таъминлаш;

4. Қишлоқлар ва тураржойлар ҳудуди учун табиий сув манбларига, хушманзара дарахтзорларга яқин, ландшафти кўркем, баҳаво, ёғин сувлар йиғилиб қолмайдиган баландроқ, кунгай жойлар танланиши мақсадга мувофиқдир. Қаттиқ бўрон ва шамолли туманларда уларни тўсиш учун тураржойлар атрофига баланд ўсадиган дарахтлар экиш ёки бу мақсадда ўрмон ва дов-дарахтлар кўп бўлган жойни танлаш мақсадга мувофиқдир. Бу омиллар тураржойлар ҳудудини чанг тўзон, қумдан, совуқ ва қуруқ иссиқ шамоллар таъсиридан сақлашда, атмосфера ҳавоси ҳамда муҳитнинг мусаффо бўлишида катта роль ўйнайди;

5. Қишлоқ ландшафт архитектурасининг муҳити, меъморий-манзаравий сифатини бойитишда жойнинг табиий шароитларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда лойиҳаланган муҳит композициясига жойлардаги бор яшил дарахтларни, очиқ сув ҳавзаларини, жой рельефининг чиройли қияликларини киритиш айниқса муҳимдир. Уйлар, проездлар (транспорт ўтиш йўллари), кўчалар ва квартираларнинг планировкасида ана шу табиий шароитлар эътиборга олиб лойиҳаланганда қишлоқлар манзараси ва ландшафти янада гўзаллашади;

6. Очиқ муҳитлар ҳудуди ичида аҳолининг дам олиши ва умумий байрам тадбирларини ўтказиш учун яшил зоналарни ташкил қилиш, шундай зоналар ҳамда кўча ва тураржой муҳитини меъморий - манзаравий жиҳатдан ободонлаштириш, уларга бадий-эстетик тус бериш, умумий дам олиш зоналарини тураржой кварталлари билан соя-салқин пиёда йўлаклар орқали боғлаш каби ишлар юқоридаги усуллар билан биргаликда қишлоқ тураржойлар даҳаси ва бутун қишлоқ архитектурасига манзарали тус берувчи омиллар сифатида рўёбга чиқиши зарур;

7. Шу нуқтаи назардан айниқса, республикамиз широктада табиий-иқлим талабларга мувофиқ пиёда йўллар ва умумий дам олиш зоналарининг соя салқин бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Буни қулай ландшафт ва иқлим

шароитли туманларда кўкаламзорлаштириш ва ҳар хил қурилмалар ёрдамида амалга ошириш мумкин бўлса, чўл ва лалимикор яйловли туманларда турли-туман мўъжаз меъморий шакллар ва конструкциялар (соябонлар, ишкомлар, галереялар, кўча кўлами устидан ишланган яхлит ҳажмлар ва бошқалар) ёрдамида бажариш мумкин.

8. Кейинги йилларда қишлоқ қурилишидаги тураржой биноларининг меъморчилик ҳамда тураржой иморатлари қурилишининг тежамкорлик сифатларига қўйилган талаблар сезиларли даражада ошиб бормоқда. Шу билан бирга қурилиш ва лойиҳалаш тажрибасида бу соҳада қатор камчиликларга йўл қўйилди. Иморатларни яққалаб, алоҳида турган ҳолда қуриш давом этди. Кўча ва квартираларни бу тартибда қуриш кварталларни, яшаш ҳовлиларини, ҳовли участкаларининг очиқ ва ноизчил кўринишига олиб келди, натижада ҳовли ва кўча чиройининг сифати анча пасайди. Кўча қурилишида бир оҳанглилик – такрорий бир хил услублар, меъморчилик акцентларисиз, хуллас зериктирарли ҳолат рўй бермоқда. Кўча қизил чизиғидан уйларнинг анча орқага сурилиши натижасида кўча кўламининг кенгайиши кўча ва квартиралар меъморий масштабининг бузилишига олиб келди.

9. Қишлоқ тураржой қурилишига хос бўлган қиёфалардан бири кўча перспективасининг узлуксизлиги, шаклларнинг изчиллиги, силуэтнинг оддийлигидир. Кўча қурилишининг характерли ўхшашлигида унга мос бўлган бундай қиёфани бойитиш халқ меъморчилигида тураржой бинолари қурилишига ҳар хил акцентлар киритиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Дарвоза, унга ўрнатилган эшик ёки кўча эшиги ҳамда уларнинг четларига зийнатли безакдор элементлар билан сайқал берилган. Кўпинча дарвоза устидан иккинчи қаватда дам олиш хонаси – болохона қурилиб, кириш жойига савлатли тус берилмоқда.

10. Тураржой қурилишининг мақсадга мувофиқлигини, унинг меъморий-бадий савиясини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- **Биринчидан**, ҳовли участкаси фасад томонининг энини қисқартириш туфайли тураржой қурилишининг кўча бўйлаб зичлигининг ошишига эришиш мумкин. Бу қурилишнинг иқтисодий тежамкорлигини оширишга ёрдам беради;

- **Иккинчидан**, ҳовлида тураржой уйлариининг блокировкасини блок-вставкалар (гаражлар, ёпиқ кириш жойлари-дарвозахоналар, долонлар, болохоналар ва шунга ўхшашлар) билан амалга ошириш керак. Бу қурилишнинг иқтисодий тежамкорлигини оширишга ёрдам бериш билан бир қаторда ҳовли муҳитини кўздан ҳолилигини, осойишталигини таъминлайди ҳамда кўча перспективасининг архитектураси ва бадиий қиёфасини яхшилашга ёрдам беради. Тураржой уйлариининг қишлоқ участкаси ва планировкасининг ҳар хил шароитларга мослигини ошириш билан турли хил ориентациядаги ҳовлиларнинг оптимал қурилишига имкон яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

11. Қурилишда сифат ва суръатни ошириш, қурилиш харажатларини камайтириш ва қийматини янада арзонлаштириш мақсадида маҳаллий қурилиш материаллари ва ноанъанавий халқчил услублар асосида қуришга мўлжалланган уйларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилиши керак. Бундай лойиҳаларда уйларнинг инженерлик жиҳозлари ва сантехника хоналарининг турли хил вариантларда ишланишига, оила аъзолари сонининг ўсишига қараб уй-жойнинг кенгайишига ва яшаш хоналарининг кўпайишини ҳисобга олишга эришиш лозим. Ғиштин ва яхлит керамзит бетон уйлар билан бир қаторда лойдан қуриладиган яхлит конструкцияли уйларни шахсий уй-жой қуриш учун лойиҳалаш, халқ бинокорлик технологиясидаги каби фойдаланишга қулай, содда ва механизациябоп қурилиш технологиясини ва қолипини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ қилиш катта аҳамиятга эгадир. Тураржой фасадларини ҳар хил вариантлардаги ечимлар билан таъминлаш, уйни меъморий безаклар билан безаш, ранг қўллаш ишларига ҳам катта эътибор берилиши керак.

Вилоят архитектора ва қурилиш бўлимлари, туман архитекторларида жойларда аҳолини қишлоқ уйларининг типовой ёки индивидуал меъморий безаклари билан таништирувчи альбомлар бўлиши керак.

12. Қишлоқ йўллари муҳитининг ландшафтини шакллантиришда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш зарур:

- қурилажак авторассани жой ландшафти ва рельефига муносиблаштириш, яъни трасса текисликдан ўтадими ё қияликдан, пасту-баланд жойлардан, ундан қатъий назар уни ўтказишда иложи борича мавжуд табиий ландшафт шаклига мослаштиришни талаб қилади;

- йўлларнинг аҳоли масканига яқин, гўзал табиий ландшафтли, тарихий меъморий, маданий-маърифий обидаларга яқин томошабоп жойлардан ўтиши мақсадга мувофиқдир.

- йўл олди ландшафтини шакллантирувчи экинларни режада уч зонага бўлиб, йўл қопламаси ёнига майса ўтлар экишни, кейин буталар ва, охирида, дарахтлар экишни таклиф қиламиз. Барча экинлар автомобил газига чидамли бўлиши шарт.

Иккинчи тамойил — бу йўл ёқаси муҳитининг ландшафт ечимига қаратилган. Йўл ёқасига яқин тиғис, қатор экилган дов-дарахтлар йўлни қуёш нуридан сақлайди ва соя-салқин муҳит ҳосил қилади, бироқ у ҳайдовчидан атроф-муҳитни пана қилади. Йўл бўйидаги қатор дарахтлар узокдан ҳайдовчига йўл бурилишини кўрсатиб туради, аммо тўсатдан йўлдан чиқиб кетилса дарахтга урилиш хавфи туғилади. Шунинг учун ҳам танасининг қалинлиги 15 смдан катта бўлган дарахтларни йўл четиغا яқин жойлаштириш нотўғридир. Сийрак экилган дарахтлар қатори эса атроф-муҳитни пана қилмайди, бироқ, куннинг муайян соатларида йўлда қатор “зебра” соялари ҳосил қилиб ҳайдовчи кўзини чарчатади. Йўл устига мевалар ва шохчаларнинг узилиб тушиши, йўлларда ҳосил йиғувчиларни пайдо бўлиш ҳолатлари учрайди. Бироқ, боғ чети фронтини йўлга яқин келтириш мумкин, бунда масофа автомобилнинг ўртача ҳисоби тезлигидан 5 марта кам бўлиши шарт. Умуман олганда, юқорида кўрсатилган таклиф ва тадбирларни амалга

ошириш, лойиҳалаш ва қуриш тажрибасида уларга амал қилиш қишлоқ архитектурасини ва умуман қишлоқларимиз қийфасини, ландшафт архитектурасининг замонамиз талабларига мос равишда ўзгартиришга, қишлоқларимизни қайта қуриш суръатини тезлаштирига ёрдам беради, деб умид қиламиз.

* * *

Мустақиллик йилларида Республикамизда яратилган архитектура иншоотлари ва комплекслари, шаҳарсозлик ансамбллари ва бунёдкорлик ишларини диққат билан кузатар эканмиз, уларга хос бўлган мўъжизакор мунаққашлик ва табиий манзаралар ҳамоҳанглигини, улар муҳитидаги орасталик, изчил меъморий тартибот, халқ амалий санъатининг юксак меъморий туйғуларини ҳис этамиз. Афсуски, ана шу муҳим ва юксак меъморий фазилатлар ҳозирги кунда айрим туман марказлари ва қишлоқларимизда яратилаётган бино ва иншоотлар, боғ-парк санъати муҳитига етишмай турибди. Биз ишонамизки, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишларида акс эттирилган моддий маданий қадриятларимиз халқимиз тафаккурини, қишлоқларимиз ландшафт архитектурасини янги имкониятлар сари сарафроз этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. **Каримов И.А.** Ватан барчамиз учун муқаддасдир. – Тошкент, 1996.
2. **Каримов И.А.** Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қўраимиз. 7-том. - Тошкент, 1999.
3. **Каримов И.А.** Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, 2007.
4. **Каримов И.А.** Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент, 2009.
5. **Адилова Л.А.** Миссия ландшафтной архитектуры. //Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2010.
6. **Абул-фазл Бейхақи.** История Маъсуда. – М., 1969.
7. **Бабков В.Ф.** Ландшафтное проектирование автомобильных дорог. - М., 1980.
8. **Бабков В.Ф.** Ландшафтное проектирование межгородских автомобильных дорог. -М., 1982.
9. **Бартольд В.В.** История культурной жизни Туркестана. - Л., 1927
10. **Воронина В.Л.** Народные традиции архитектуры Узбекистана. – М., 1951.
11. **Жонузоқов А.Э.** Дарахт ва буталарни ландшафт композициясида ўзаро қўллаш. // Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2010.
12. **Залеская Л.С., Микулина Е.М.** Ландшафтная архитектура. - М., 1979.
13. **Залеская Л.** Озеленения городов Средней Азии. Академия Архитектуры СССР, - М., 1944.
14. **Захидов П.Ш.** Самаркандская школа зодчих. - Ташкент, 1964 .

- 15. Залесская Л.С., Микулина Е.М.** Ландшафтная архитектура.- М., 1979.
- 16. Камилова Х.Х.** Необходимость новых концепций паркостроения в условиях рыночных отношений Узбекистана.// Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2010.
- 17. Нозилов Д.А.** Архитектура горных районов Узбекистана. Из-во «Фан» Уз ССР. - Ташкент, 1984.
- 18. Наршахий.** Бухоро тарихи.– Тошкент, 1966.
- 19. Орнатский Н.П.** Благоустройства автомобильных дорог.- М.,1986.
- 20. Орнатский Н.П.** Об архитектурном облике. - М.,1990.
- 21. Писарчик А.К.** Народная архитектура Самарканда.– Душанбе, 1975.
- 22. Сатторова К.Д.** Роль источников водоснабжения в формировании ландшафта исторических городов Узбекистана. //Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2010.
- 23. Трескинский С.А., Кудряцев Г.П.** Эстетика автомобильных дорог. - М., 1978.
- 24. Тўйчиев Р., Айматов А., Фармонов А.** Туман марказларига мос ҳовлини уйларни лойihalаш муаммолари ва ечимлари. // Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2010.
- 25. Уралов А.С., Балгаева Ш.А.** Қишлоқ тураржой ҳудудларининг меъморий ландшафтини такомиллаштириш масалалари. // Меъморчилик ва қурилиш муаммолари илмий-техник журнали, 2009, №3.
- 26. Уралов А.С., Назилов Д.** Қишлоқ уйлари. - Т., 1994.

27. “Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 29 январдаги қабул қилинган Президент қарори. - Т., 2009.

28. Шодмонов С. Оқмачитнинг бугунги куни. //“Зарафшон” газетасининг 2010 йил 9 январдаги сони.

29. Уралов А.С., Назилов Д. Қишлоқ уйлари. – Т., 1994.

30. Ҳайдаров А. Уйларимиз қиёфаси. //“Зарафшон” газетасининг 2010 йил 17 сентябрдаги сони.

31. Ҳайдаров А. Меъморий анъаналар жонланмоқда. // “Зарафшон” газетасининг 2011 йил 20 февралдаги сони.

Интернет сайтлари

32. [http:// www. Landstyle.ru](http://www.Landstyle.ru)

33. sad@sad.ru

34. [http:// www.sadtorg.ru](http://www.sadtorg.ru)

35. [www_uznature_uz.hiv](http://www.uznature.uz)

36. www.Gardener.ru

37. [www.http://landscape design.ru](http://landscape design.ru)